



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 30-oktabr, shanba № 88 (7697)

Da'vat

Bo'lak yaxshi nom istama, shul yetar —
Seni yaxshi odam desa el agar.

Muslihiddin SA'DIY

МАЛАКА ОШИРИШ — ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ



Ўқитувчи олдида қўйилаётган бугунги талаб унинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига жалб қилинишини, доимий иш тарзига янгилик ва ўзгаришлар киритишни тақазо этмоқда. Бухоро вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига жалб қилинаётган тингловчилар ҳам бу жараёндан четда эмас. Институтда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳозирги сифат босқичида малака ошириш тизимини янада такомиллаштиришга асосий диққат-эътибор қаратиляпти.

Суратларда институтда тингловчилар билан олиб борилаётган машғулотлар ўз аксини топган.

Бурхон РИЗО олган суратлар.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

RESURS MARKAZI

Toshkent viloyatining Zangiota tumanidagi 16-maktabgacha ta'lim muassasasida oilaviy ta'lim bo'yicha resurs markazi ochildi.

YuNISEFning O'zbekistondagi vakolatxonasi yordamida tashkil etilgan markaz dasturining asosiy tarkibiy qismlari bolalarni oila yoki maktabgacha ta'lim muassasasida maktabga tayyorlash, o'smir va yoshlarga hayotiy ko'nikmalarni o'zlashtirishda yordam berishdan iborat.

ANJUMAN

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti Madaniyat saroyida shu yil 26 dekabrda mamlakatimiz parlamentiga va mahalliy Kengashlarga o'tkaziladigan saylovga tayyorgarlik jarayoni va unda yoshlarning faol ishtirokiga bag'ishlangan anjuman bo'lib o'tdi. Uni Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi hamda Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti tashkil etdi.

Talabalar saylovga tayyorgarlik ko'rish, uni ommaviy axborot vositalarida yoritish, tashkiliy-huquqiy masalalar, shuningdek, xalqaro saylov standartlari va tajribalariga oid va boshqa ko'plab savollarga batafsil javob oldilar.

ТАЪЛИМ СИФАТИ — АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

Тасаввур қилинг, дўкондан бирон буюм сотиб олдингиз, бироқ у сифатсиз чиқди. Албатта, хунобингиз ошади, қилган ҳаражатингиз, ҳаракатингизга афсусланасиз. Тўғри, яна озгина қўшимча маблағ билан муаммо ҳал бўлади, аммо унинг маънавий, моддий зарари-чи? Хўш, агарда таълим беришда сифатсизликка йўл қўйилса-чи? Унинг асорати узоқ давом

этиши табиий. Зеро, зарур билим ва малакага эга бўлмаган кадр нафақат ўзига бириктирилган вазифа, балки кичик муаммоларни ҳам ҳал этишда катта хатога йўл қўяди. Энди бу хатони тўғрилаш нафақат маблағ, балки узоқ вақтни ҳам талаб этади.

Давоми 2-бетда

ЛИЦЕЙДА
ЖАМОАТ-
ЧИЛИК
КАФЕДРАСИ

2-бет

СИЁСАТ.
АЁЛ.
ТАРАҚҚИЁТ

3-бет

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2004-2005 ўқув йилидаги
Давлат стипендиатлари

4-5-бетлар

Ibrat

Yaqinda poytaxtimizning Shayxontohur tumanidagi Yangi Kamolon mahallasi guzarida 10 nafar kam ta'minlangan oilalar farzandlariga sunnat to'ylari o'tkazib berildi. Bu xayrli ish Toshkent matbaa kombinati homiyligida amalga oshirildi.

10-бет

МАВСУМ КҮНГИЛДА-
ГИДЕК ЎТАДИМИ?

ЁРУҒЛИК-
НИНГ
ЗАВОЛИ
ЙЎҚ

7-бет

ТИЛ ЎРГАНИШ
МИЯНИ
КУЧАЙТИРАДИ

инглиз олимлари
шундай хулосага
келишди

9-бет

Акмал НУР:
«ИЖОДКОР ОДАМ БИР УМР
ЎҚИЙДИ»

5-бет

МАТЕМАТИКА —
ТОПҚИРЛИК ЎЙИНИ
фаннинг ушбу жиҳати ўқувчида
дарсга қизиқиш уйғотади

6-бет

«ҲАЁТИМИЗ ИКИР-
ЧИКИРЛАРИ»
КОМПЬЮТЕРДА

13-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI

MAJLIS

28 oktabr kuni Toshkentda Shanxay hamkorlik tashkiloti Mintaqaviy aksilterror tuzilmasi Kengashining (ShHT MATT) navbatdagi majlisi bo'lib o'tdi. Unda Qozog'iston Respublikasi, Xitoy Xalq Respublikasi, Qirg'iziston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Tojikiston Respublikasi va O'zbekiston Respublikasi vakillari ishtirok etdilar. Yig'ilishda Kengashning ikkinchi majlisi (Toshkent, 2004 yil 30 aprel) qarorlari ijrosining borishi hamda ShHT MATTning bugungi faoliyatiga doir masalalar ko'rib chiqildi. Majlis qatnashchilari O'zbekiston Respublikasi va Rossiya Federatsiyasida sodir etilgan hamda begunoh odamlarning qurbon bo'lishiga olib kelgan terrorchilik harakatlarini keskin qoralab, terrorchilikning barcha ko'rinishlariga qarshi kurashda O'zbekiston va Rossiya xalqlarini qo'llab-quvvatlashini bildirdilar.

TADBIR

Poytaxtdagi «Radisson» mehmonxonasida «O'zbekiston Respublikasida yuvenal adliya tizimini boshqarishda bolalarga do'stona munosabatda bo'lish maqsadlariga erishish yo'lida» mavzuida yuvenal adliya bo'yicha uchinchi anjuman bo'lib o'tdi. Tadbirda huquqni muhofaza qilish organlari, turli vazirliklar, idoralar, xalqaro va nodavlat tashkilotlar vakillari ishtirok etdi. Anjumanda amaldagi qonunchilikni takomillashtirishga doir fikrlar bildirildi.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аслида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқиши ва босқичма-босқич жорий этилишидан кўзланган асосий мақсад-муддао ҳам шу эди. Яъни, рақобатбардош кадр тайёрлаш. Аммо тан олиш керак, муаммонинг кўлами кенг, бажарилиши лозим вазифалар талай. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президент фармонининг қабул қилиниши ҳам юқоридаги вазифани бажаришдаги яна бир қадам бўлди. Хабарингиз бор: ушбу фармоннинг 13-бандида узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Хукумат комиссияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 2004 йил 1 сентябргача умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув услубий қўлланмаларини нашр этиш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда рес-

Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейида жорий йилдан бошлаб жамоатчилик кафедраси иш бошлади.

— Кафедрани ташкил этишдан мақсад—адабиёт, журналистика, санъатшунослик ва суҳандонлик соҳалари бўйича лицейга республика миқёсида танлаб олинган иқтидорли ёшларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида янги дунёқараш, демократик тамойиллар,

шаклланган, дунё цивилизациясида муносиб ўрин тутган тарихий-маънавий меросимиз, миллий урф-одатлар ва анъаналаримизнинг мустақиллик йилларида тикланиши, уларнинг бугунги кундаги ривожини, Ўзбекистоннинг тараққий этган мамлакатлар сафида муносиб ўрин эгаллаши, ўзбек миллиятининг шаъни ва шавкатини ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёни, замонамиз ёшлар-

ЛИЦЕЙДА ЖАМОАТЧИЛИК КАФЕДРАСИ

миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни истиқлол ғояларига садоқатли, ватанпарвар, миллат манфатлари учун фидойи, мустақил фикрли инсонлар бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшишдан иборат, — деди кафедра бошлиғи, таниқли шоир ва журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Саъдулла Ҳаким. — Кафедра ўз олдида кўйган мақсадларига эришиш учун соҳалар бўйича ўзликни англаш, миллий ғурур, асрлар давомида

рининг бу жараёндаги ўрни, иштироки ва вазифалари билан боғлиқ мавзулар юзасидан машғулотлар олиб боради.

Машғулотлар ҳафтада бир марта дарсдан ташқари вақтда маъруза, эркин мунозара, амалий машғулотлар тарзида амалга оширилмоқда. Машғулотларга адабиёт, санъат, маданият ва оммавий ахборот воситаларининг кўзга кўринган вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари жалб этилади. Лицей ўқувчилари билан биринчи машғулотни

Yangilik

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ўтказган эди. Кафедранинг иккинчи машғулотини Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов олиб борди.

Ўткир Ҳошимов лицей ўқувчилари ва педагогик жамоа аъзолари билан

мулоқотда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётни либераллаштириш ва демократлаштириш жараёни, икки палатали парламентга сайловлар моҳияти ва унда ёшлар иштироки, умуман ёшларнинг бугунги жамиятдаги ўрни, адабиёт ва санъатнинг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти хусусида сўз юритди. Ўқувчилар таниқли ёзувчидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА
«Туркистон—пресс»

«МАТБУОТ КУНЛАРИ»
ФАРФОНАДА ДАВОМ
ЭТДИ

Аввал хабар қилганимиздек, Халқ таълими вазирлиги муассасаларидаги газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари Андижондан 26 октябрда Фарғона вилоятига ташриф буюрдилар.

Тахририят ходимлари вилоят туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларида бўлиб, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёни билан яқиндан танишдилар. Вилоят таълим муассасаларида меҳнат қилаётган фидойи

педагоглар, мураббий-тарбиячилар, услубчилар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказдилар. Вилоятнинг Бағдод, Кува, Ўзбекистон, Данғара, Фурқат, Учкўприк туманлари ҳамда Кўқон шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, ўқитувчиларни кўшимча рағбатлантиришга доир устама ҳақ белгилаш, таълим жараёнида матбуотнинг ўрни ва таъсири масалаларида фикрлар ўртага ташланди, аниқ таклифлар айтилди. Чунончи, Кува туманидаги 33 ва 26-мактаб педагоглари ҳамда халқ таълими бўлими услубчилари билан ўтказилган юзма-юз мулоқотда, хусусан, «Маърифат» газетасига доир куйидаги таклифлар билдирилди:

Газетада «Оғрик нуқта», «Янги педтехнология», «Синф раҳбарига ёрдам» каби рукнлар ташкил этиш ҳамда мазкур рукнлар остида доимий мақолалар ёритиб бориш; газета саҳифаларида илғор фикрли услубчи ўқитувчиларнинг дарс ишланмаларини бериб боришни ҳажман кўпайтириш, синфдан ва мактабдан ташқари таълимга доир материалларнинг доимий берилишини таъминлаш; газетада

«Тарбиячи» номи билан янги саҳифа ташкил этиш.

28 октябрь куни вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бош муҳаррирлар билан вилоятдаги услубчилар, методкабинет мудирлари, илғор педагоглар, Фарғона давлат педагогика университети олимлари, ВПҚТМОИ профессор-ўқитувчиларининг учрашуви ўтказилди. Учрашувда сўз олган Халқ таълими

вазирлиги масъул ходими Х.Ақбаров республикада ўтказилаётган «Матбуот кунлари»нинг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Фарғона вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедра мудирини, тарбияшunos олим Т.Қурбонов, Фарғона давлат университети «Ўзбекистон янги тарихи»ни ўқитиш маркази директори, доцент Т.Эгамбердиева, Марғилон шаҳридаги истеъдодли болалар «Адабиёт» тўғраги раҳбари, шоир Исмоил Маҳмуд, ВПҚТМОИ проректори О.Ҳошимова Халқ таълими вазирлиги тасаруфидидаги ўндан ортиқ газета ва журналларнинг мазмун-мундарижаси бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бераётгани, уларда ёритилаётган мавзулар педагогларга иш жараёнида жуда катта ёрдам бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Учрашув сўнггида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқотлар чоғида педагоглар томонидан берилган саволларга меҳмонлар атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашувдан сўнг муҳаррирлар Наманган вилоятига жўнаб кетдилар.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

ТАЪЛИМ СИФАТИ —
АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

публика Таълим маркази томонидан Тошкент вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг мажлислар залида ўтказилган анжуманнинг аҳамиятли томони шундаки, унда айни вазифанинг бажарилиши юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган кейинги ишлар хусусида сўз юритилди.

Ўтган давр мобайнида ишчи гуруҳ томонидан умумий ўрта таълим тизимида қўлланилаётган таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда дарслик ва услубий қўлланмалар ўрганиб чиқилди. Натijaда амалиётчи ўқитувчилар кенг педагогик жамоатчиликнинг умумлаштирилган фикр-мулоҳазалари ва таклифлари инобатга олиниб, ДТС ва ўқув дастурлари ижодий гуруҳлар томонидан замонавий талабларга асосан такомиллаштирилди. Шунингдек, педагогик

амалиётдаги ўқувчилар таълим тайёр-гарлиги даражасини аниқлашнинг кўп баллик рейтинг тизими бўйича ҳам ўқитувчилар ва жамоатчиликнинг эътирозлари ўрганилди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда 24 та фандан ўқув дастури, шунингдек 5 та қардош тиллар (қирғиз, туркман, тожик, қозок, қорақалпоқ) учун модернизация қилинган ўқув дастурлари, шу билан биргаликда 15 та фандан ихтисослаштирилган мактаб (синф)ларнинг ўқув режа ва дастурлари тайёрланди.

Ҳўш, ушбу ўқув дастур ва дарсликларини таълим жараёнига қандай олиб киради? Тажриба-синов ишлари қандай ташкил этилади? Анжуманда таъкидландики, бундан олдинги ўтказилган экспериментларда Давлат таълим стандартлари маълум тажриба-синов майдонларида амалга оширилган бўлса, ўқув


дастури ва режаси яна бошқа бир мактабларда, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари эса, яна бошқасида синналган. Бу эса, ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, мавжуд камчиликларини аниқлашга тўлиқ имкон бермаган эди. Бу галги тажриба-синов ишлари комплекс ёндашув асосида яъни, такомиллаштирилган ДТС, модернизация қилинган ўқув дастур ва янги дарслик ҳамда қўлланмаларнинг бarchаси бир мактабда, махсус ажратилган ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

Республика илмий-амалий семинарига вилоят методика Маркази директорлари, фанлар бўйича тажриба-синов ўтказиш учун белгиланган экспериментатор ўқитувчилар ва илмий раҳбарлар, методистлар иштирок этганлиги боис, япғи йиғилишдан сўнг тўртта йўналиш бўйича 7 та шўъбада мутахассислар томонидан семинар-тренинглари ташкил этилди. Тренингларида тажриба-синовларни ўтказиш юзасидан кўшимча тушунтиришлар берилди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа саналаётган сайловга ҳам санокли кунлар қолди. Айни пайтгача Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза ва тақдим этган бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ХДП, Ўзбекистон Фидокорлар МДП, Ишбилармонлар ва тadbиркорлар ҳаракати-ЎзЛиДеП, «Адолат» СДП ҳамда Ўзбекистон Миллий тикланиш ДПга сайловда иштирок этишга ижозат берди. Табиийки, сайловда кампаниясининг ҳозирги босқичи сиёсий партиялар ва улар номзодларининг сайловчилар овози учун курашлари асосига қурилган. Ҳар бир сиёсий

публикаси Конститутциясининг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар» деб таъкидланиши ҳамда бунга ҳаётнинг барча жабҳаларида амал қилиниши фикримиз далилидир. Бирлашган миллатлар ташкилотининг «Аҳолишунослик» жамғармасининг Қоҳира конференцияси (1994 йил, 13 сентябрь) да 20 йилга мўлжалланган кенг қамровли ҳаракат дастури қабул қилинган эди. Ана шу дастурнинг «Аёл



этишни тасаввур ҳам қилиш қийин. Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият, санъат, илмий ва ҳатто тadbиркорлик каби ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият олиб бораётган аёлларнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари, мавқеи ўзига хос ва турлича бўлса-да, мазкур соҳалардаги улар иштирокининг аҳамияти эркекларникидан кам эмас. Бунинг ўзига хос сабаб-

Биргина мисол, шу йил 20 октябрь куни «Ўзбекистон» телеканали орқали эфирга узатилган «Муносабат» кўрсатувида иштирокчи бир аёл таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар моҳияти, ундан қутилиётган натижа ва бу йўлда амалга оширилиши лозим саналган чора-тадбирлар хусусида фикр билдирди. У, яъни аёл «жамиятни педагогласштириш» масаласини кўтарди, бу борадаги ўз мулоҳазаларини ўртага ташлади. Жамиятни педагогласштириш дегани янги авлодни маънавий юксалтириш учун ҳар бир киши—ота-она, устоз муаллим, раҳбар, ишчи ёки хизматчи сифатида ибрат намунасини кўрсатиб яшаш дегани. Унинг мазкур фикри шунчаки айтилган гап эмас. Бу унинг жамиятимиз ҳаётини яхшилаш, турмуш

Сайловга
58 кун қолди

ЎҚИТУВЧИ

у сайлов жараёнига биринчилардан бўлиб жалб этилади

Ўтаётган ҳар бир кун бизларни муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларга яқинлаштирмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда икки палатали Парламентга ўтишнинг ўзи янги ҳодиса. Хўш, ана шундай масъулиятли сиёсий жараёнда сайловчиларнинг фаоллиги қандай роль ўйнайди? Сайловчиларимиз бу жараёнга нечоғлик тайёр? Улар ўз номзодларини қандай қўллаб-қувватлайдилар?

Ана шундай саволларга жавоб топиш учун муҳбиримиз Фаргона вилояти педагоглари билан суҳбатлашди.

Ҳабибулло ЗАЙЛИДДИНОВ, Кува тумани халқ таълими бўлими мудири:

— Ўқитувчи жамиятнинг фаол аъзоси, тарғиботчиси бўлганлиги учун сайлов жараёнига биринчилардан бўлиб жалб қилинади. Сайлов кунига қадар бўлиб ўтадиган барча сиёсий босқичлар ўқитувчиларимизга ўтмайди. Бу сафарги сайловларнинг талаби, масъулияти ўзгача. Ушбу сиёсий жараён шуниси билан масъулиятлики, номзодлар танлаш ва уларга овоз беришда давлат, халқнинг келажаги нуқтаи назаридан ёндашиш зарур бўлади.

Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар ишдан ажралган ҳолда беш йил давомида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида янги қонунлар яратиш, ўзгаришлар киритишдек муҳим ишлар билан шуғулланадилар. Демак, сайлов жараёнида бизлар шундай номзодларни танлашимиз керакки, улар ҳар жиҳатдан билимли, сиёсий дунёқараш кенг, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, сабр-бардошли, энг асосийси, ўз халқи, ўз мамлакатининг порлоқ келажагига ҳуқуқий асос яратаётганини дои-

Munosabat

мо чуқур ҳис қилиб турувчи шахслар бўлсин. Аввалги сайловлардагидек газ тушириш, сув чиқариб бериш, асфальт ётқизиш каби юмушларни ваъда қилувчи номзодларнинг даври ўтди энди. Ҳаёт ҳар кун илгарилаб борапти. Ўзбекистон дунё аренасида ўз ўрнини топди. Уни бугунгидан-да юксалтириш биз танлаган муносиб номзодларга ҳам боғлиқ.

Мастура РУСТАМОВА, Фаргона шаҳридаги 32-умумтаълим мактабининг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси:

— Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловлар олдингиларидан туб жиҳатлари билан фарқ қилади. Номзодларнинг энг муносибини сайлаш ҳар бир фуқарога сайлай билишдек масъулиятли ва шарафли вазифа юклайди. Маълумки, депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар. Сиёсий партияларнинг ҳамда фуқароларнинг сайлов жараёнидаги фаоллиги муносиб номзодларни танлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун биз сайловчилар кўрсатилаётган ҳар бир номзоднинг нималарга қодир эканлигини билишимиз талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади — мамлакатимизда инсонларвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Биз шундай депутатларни сайлашимиз керакки, оқибатда бу депутатлар мамлакат тараққиёт йўлини белгиласинлар.

Баҳодиржон ШОКИРОВ, «Ma'rifat»нинг махсус муҳбири

СИЁСАТ. АЁЛ. ТАРАҚҚИЁТ

«Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим».

(Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Қонуннинг 22-моддасидан)

партия ёки ҳаракат парламентнинг қонунчилик палатасига депутатликка кўрсатилган номзодларининг таркибида 30 фоиз аёллар бўлишига эътибор бериши лозим бўлади. Шу йил 26 октябрь куни пойтахтдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида ўтган «Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусидаги халқаро учрашув-давра суҳбатида Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги сайлов қонунчилигида сиёсий партиялар томонидан парламентга кўрсатилган номзодлар таркибида аёллар квотаси белгиланишининг аҳамияти бежиз таъкидланмади.

Шарқ аёлининг шахси, унинг ижтимоий фаоллиги, жамият ҳаётидаги ўрни, тараққиётга таъсири Фарбдагидан фарқ қилади, албатта. Диний эътиқод, маънавий дунёқараш, демографик хусусиятлар, тарихий-тадрижий ривожланиш тенденциялари, экологик, минтақавий ўзига хосликлар бунинг асосий омиллари ҳисобланади. Лекин, бугунги кунда ҳар икки кутба ҳам аёл кадрланади, унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, унга муносиб шарт-шароитлар яратишга имкон қадар эътибор қаратилади. Ўзбекистонда ҳам, барча ривожланган мамлакатлардагидек, аёллар, улар билан боғлиқ масалалар давлат ва жамиятнинг диққат марказидадир. Ўзбекистон Рес-

ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги: аёллар ҳуқуқи ҳамда имкониятларини кенгайтириш» деб номланган бешинчи бўлимида баён этилган фикрлар туфайли мазкур дастур «аҳолишуносликда янги эранинг бошланишини таъминлайди» дея таърифланганди. Ўша вақтда мазкур ҳужжат 179 та мамлакат томонидан ратификация қилинди. Мана орадан ўн йил ўтди. Шу давр мобайнида атиги 28 та давлатда хотин-қизлар ҳуқуқини кенгайтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Бугун Ўзбекистонда демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этилаёпти. Фуқаролик жамияти аёллардан ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилишни ва улардан ўз муаммоларини ечишга бўлган табиий интилишни талаб қилади. Хотин-қизларнинг бунга тайёр бўлиши муҳим ижтимоий аҳамиятга эга.

Аёлга эътибор, меҳр, кўмак бериш орқали барча орзу-умидларни рўёбга чиқариш мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ўзликни англаш, баркамол шахси воёга етказиш, соғлом турмуш тарзини яратиш, тарихий қадриятлар ва миллий анъаналар давомийлигини таъминлаш, ҳатто жамиятни демократлаштириш каби глобал муаммоларни аёлсиз, унинг иштирокисиз ҳал

ри бор. Асосийси—ижтимоий сабаб. Яъни, қадим замонлардан буён аёл табиатан нозик ва ҳимояга муҳтож яралгани боис, эркекларга тобе ҳаёт кечирган. Бу ҳолат кўпгина шарқий мамлакатлар турмушида айни вақтгача кузатилади. Шу сабаб аёлларда эркинликка, тенгликка табиий интилиш кучли, улар адолатни эркеклардан кўра кўпроқ қадрлайдилар. Шу нуқтаи назардан олганда, хотин-қизларнинг сиёсат саҳнасида фаолият олиб бориши ҳам жамият тамаддунига хизмат қилади.

Хотин-қизларнинг ўзига хос муаммоларини кўра олиш, тушуниш, ечимини топиш, тақлифлар бериш масаласида эса, тўғридан-тўғри аёлларнинг амалий иштирокига эҳтиёж туғилиши табиий. Ана шу эҳтиёжни қондириш учун ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида сиёсий палатасига кўрсатилган номзодлар таркибида аёллар 30 фоиздан кам бўлмашлиги шарт қилиб белгилаб қўйилган. Аёлнинг тараққиётдаги ўрни, ҳиссаси ҳақида гап кетганда, уларнинг ташаббускорлигига алоҳида эътибор бериш керак. Аёлларнинг ташаббускорлиги деярли ҳар бир оиланинг катта-кичик муаммоларини, ташвишларини ҳал этишдан тортиб жамиятдаги ижтимоий-сиёсий масалаларни муҳокама этишда ҳам кўзга ташланади.

даражамизни юксалтириш, буюк келажақни яратиш борасидаги изланишлари, тўплаган тажрибаларига таяниб юритган мулоҳазаси, қабул қилган қарори эди. Жамиятимизда ана шундай глобал муаммоларни кўра биладиган, унинг ечимларини излаб топишга қодир аёллар бор экан, уларга нафақат сиёсат саҳнасида, балки қалбимиз тўридан жой берсак арзийди.

Аёлнинг кимлиги хусусида фикр билдириш мавриди келганда ўз ожизлигимизни сезамиз ва кўпича уни меҳрибон ОНА, қадрдон СИНГИЛ, вафодор ЁР дея жўнгина ифодалаб қўя қоламиз. Албатта, унинг муқаддаслиги, табиат мўъжизаси, илоҳий мавжудот эканлиги ҳам нафақат эътироф этилган, балки бу инсоният томонидан тан олинган. «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Онагни бошингда, синглингни кафтингда тут», «Аёлнинг раво кўрганнинг — наслингга истаганингдир», деган фикрлар ҳам бежиз айтилмаган. Демократик жамиятда бу фикрлар нафақат тарбиявий, балки ижтимоий-сиёсий аҳамият ҳам касб этади. Зеро, биз танлаган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўли давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини, яъни фуқаролик бошқарувини шакллантириш, такомиллаштириш каби масалаларда тенг ҳуқуқлилик таъминлигига асосланади.

Фахриддин КАРИМОВ

Saylov savodxonligi

САЙЛОВЧИ БИТТА НОМЗОДНИ ҚўЛЛАБ БИР МАРТА ИМЗО ҚўЙИШГА ҲАҚЛИ

— Сайловчилар ташаббускор гуруҳи депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи қанча имзо тўплаши лозим?

— Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатта олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатта олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо арақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилади. Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдоридан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт. Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, тутилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда тутилган кун ва ойини), яшаш манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйган санани кўрсатади. Имзо арақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, паспорт серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.

САЙЛОВГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР:

Округлар сайлов комиссиялари шахсий таркиби жами 1334 киши, шундан 299 нафари хотин-қизлар, 1167 нафари олий маълумотли мутахассис, 13 нафари фан доктори, 29 нафари фан номзоди. Улар орасида 14 миллат вакили бор.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда 40 та сайлов участкаси ташкил этилади ва улар 3-Темир йўл сайлов округига бириктирилади.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов участкаларини тузишда сайловчиларга овоз бериш учун қулай шарт-шароит яратиш учун сайлов участкалари камида 20 нафар ва кўпи билан эса, 3 минг сайловчидан иборат этиб тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-2005 ўқув йилидаги Давлат стипендиатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 77-сон, 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сонли қарорларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг талаба-магистрантлар учун таъсис этилган Давлат стипендияларининг 2004-2005 ўқув йилидаги стипендиатларини аниқлади.

Фан ва технологиялар марказига танловда иштирок этиш учун республиканинг 10 та вазирлик ва идораларидан жами 114 даъвогар талаба-магистрантнинг ҳужжатлари тақдим этилди. Улардан 93 та талаба-магистрантга Давлат тест марказида тест имтиҳонлари топиришга рухсат берилди.

Фан ва технологиялар марказида республиканинг йирик олим ва мутахассислари-

дан иборат таркибда тузилган Танлов комиссияси 2004 йил 16-сентябрдаги мажлисида ҳужжатлари дастлабки экспертизадан ўтган, белгиланган тест имтиҳонларини муваффақиятли топширган ва илмий-ижодий фаолиятлари натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эришган талаба-магистрантлар ўртасида якуний танлов ўтказди.

Танлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентининг магистрантлар учун Давлат стипендиялари тўғрисидаги Низом ва уларни тайинлаш тартиби"га биноан яширин овоз бериш йўли билан куйидаги 11 та таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-2005 ўқув йилидаги Давлат стипендиатларини танлаб олди.

Фан ва технологиялар марказининг 2004 йил 17 сентябрдаги қарори билан Танлов комиссияси томонидан танлаб олинган куйидаги 11 нафар иқтидорли талаба-магистрант тегишли таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-2005 ўқув йилидаги Давлат стипендиатлари деб тасдиқланди.

I. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ИРРИГАЦИЯ



ЛУКОВА Ирода Мамадалиевна

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти магистранти. 1981 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.

1997 йилда Самарқанд шаҳридаги 13-сон ўрта мактабда ўқиган.

1997-1999 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти қошидаги лицей-интернатни тугатган.

1999 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти-нинг Агрономия факультетига ўқишга қабул қилиниб, 2003 йилда институт бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатган.

2003 йилда шу институтга "Дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси" мутахассислиги бўйича Давлат гранти асосида магистратурага қабул қилинган.

Ҳозирда "Қунгабоқарнинг анғизбоп навларини танлаш ва улардан юқори ҳосил этиштиришнинг хусусиятлари" мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

У Давлат гранти бўйича илмий тадқиқотларда иштирок этмоқда.

Диссертация мавзуйи бўйича 1 та мақоласи республика илмий журналида, 1 та мақоласи олий ўқув юрти тўпламида ва "Фермер" газетасида чоп этилган. Олий ўқув юрти миқёсидаги конференцияларда фаол қатнашиб келади.

Рус ва инглиз тилларини яхши билади.

Илмий раҳбари: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор **Д.Т.Абдукаримов**.

II. ТЕХНИКА ВА ИНФОРМАТИКА



КАТЕРИНИЧ Ольга Николаевна

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент давлат техника университети магистранти.

1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1999 йилда Тошкент шаҳридаги 98-сон ўрта мактабни имтиёзли шаходатнома билан тугатган.

1999 йилда Тошкент давлат техника университети-нинг Иссиқлик энергетика факультетига ўқишга қабул қилинган.

2002 йилда Республика талабалар олимпиадасида "Техник термодинамика ва иссиқлик узатиш" йўналиши бўйича иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаган.

2003 йилда университет бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатиб, шу йилнинг ўзида магистратурага қабул қилинган.

Ҳозирда "Факель ва энергетик қурилмаларда фугтерловчи материалларни ишлаб чиқиш" мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий-тадқиқотлар олиб бормоқда.

Унинг 5 та илмий мақоласи чоп этилган.

Инглиз, испан ва ўзбек тилларини яхши билади

Илмий раҳбари: техника фанлари доктори, профессор **Т.П.Салихов**.

III. ТИББИЁТ, ДОРИШУНОСЛИК ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ



СКОСИРЕВА Анна Константиновна

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг I Тошкент давлат тиббиёт институти магистранти.

1978 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1995 йилда Тошкент шаҳридаги 168-сон ўрта мактабни "аъло" баҳолар билан тугатган.

1995 йилда I Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга қабул қилинган.

2002 йилда ўқишни имтиёзли диплом билан тугатиб, шу институтга "Ички касалликлар" мутахассислиги бўйича магистратурага қабул қилинган.

Ҳозирда "Терапевтик практикада билкардиал синдром" мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий-тадқиқотлар олиб бормоқда.

Унинг 1 та илмий мақоласи ФА нинг Назарий ва клиник тиббиёт журналида чоп этилган.

2004 йилда талаба-магистрантларнинг II илмий анжуманида терапия йўналиши бўйича энг яхши маъруза учун II даражали диплом билан тақдирланган.

Инглиз ва ўзбек тилларини билади.

Илмий раҳбари: тиббиёт фанлари доктори, профессор **Б.Т.Даминов**.



IV. ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР

ҚУЛЛИЕВ Илхом Муродович

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон миллий университети магистранти.

1981 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган.

1988-1994 йилларда Термиз шаҳридаги 12-сон ўрта мактабда ўқиган. 1999 йилда

Термиз шаҳридаги ўзбек-турк ўғил болалар лицейини муваффақиятли тугатган.

1999 йилда Термиз давлат университетига энг юқори кўрсаткич билан Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган.

2003 йилда университет бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатган. Ўқиш даврида халқаро француз-япон археологик экспедицияларида қатнашиб, таржимонлик қилган.

2001-2002 йилларда тарих фани бўйича республика олимпиадасида 2, 3 ва 2004 йилда 1-ўринга сазовор бўлган. Шу билан бирга 2001-2003 ўқув йилларида 9-сон ўрта мактабда тарих фанидан дарс берган.

2001 йилда Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Марказий комитетининг, 2002 йилда А.Навоий номидаги Давлат стипендиати бўлган.

2003 йилда Ўзбекистон миллий университетида имтиёзли асосда давлат гранти бўйича магистратурага қабул қилинган.

Ҳозирда "Шарқий Бухоро хунармандчилиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари" мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Унинг 3 та илмий мақоласи республика илмий нашрларида, 4 та мақоласи рўзномаларда чоп этилган.

У республика миқёсидаги илмий анжуман иштирокчиси.

Рус, инглиз, турк ва тожик тилларини билади.

Илмий раҳбари: фалсафа фанлари доктори, профессор **И.М.Жабборов**.

V. ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА КИМЁ-БИОЛОГИЯ

ХУДОЙБЕРДИЕВ

Шароф Абдумаликович



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Самарқанд давлат университети магистранти.

1981 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.

1999 йилда Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги лицейни "аъло" баҳоларга тугатган.

Лицейда ўқиш даврида Туркманистон ва Германияда ўтказилган халқаро олимпиадаларда 2 марта иштирок этиб, бронза медалларини қўлга киритган.

1999 йилда халқаро олимпиадалар ғолиби сифатида Самарқанд давлат университети-нинг биология факультетига давлат гранти асосида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинган.

2000-2001 ўқув йилида Улугбек номидаги, 2002-2003 ўқув йилида Беруний номидаги Давлат стипендиати бўлган.

2003 йилда Самарқанд давлат университети бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатиб, "Биотехнология" мутахассислиги бўйича магистратурага имтиёзли қабул қилинган.

2003 йилда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони билан тақдирланган.

Ҳозирда "Бугдой патогенларини тупроқ микроорганизмлари ёрдамида биологик назорат қилиш" мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Унинг 7 та илмий мақоласи чоп этилган.

Рус, инглиз ва турк тилларида бемалол мулоқот олиб боради.

Илмий раҳбари: биология фанлари доктори, профессор **З.Ф. Исмоилов**.

VI. ИҚТИСОДИЁТ

АСТАНАКУЛОВ Олим Тоштемирович



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент молия институти магистранти.

1982 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.

1987-1994 йилларда Самарқанд шаҳридаги 54-гимназияда, 1994-1995 йилларда Самарқанд давлат университети қошидаги физика-математика лицейида, 1996-1998 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти қошидаги лицейда ўқиган.

1999 йилда Тошкент молия институтига "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган.

2003 йилда институт бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатиб, шу институтга "Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва таҳлили" йўналиши бўйича магистратурага қабул қилинган.

2001-2002 ўқув йилида республика олимпиадасида "Бухгалтерия ҳисоби" йўналиши бўйича I ўринни эгаллаган.

2003 йилдан магистратура бўлимида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчиси.

Ҳозирда "Молиявий инвестиция таҳлили ва аудитини такомиллаштириш" мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Олий ўқув юрти илмий тўпламларида илмий мавзуйи йўналиши бўйича 4 та илмий мақоласи чоп этилган.

У рус ва инглиз тилларини пухта эгаллаган, турк ва тожик тилларида мулоқот қилади.

Илмий раҳбари: иқтисодиёт фанлари доктори, профессор **Ё.А.Абдуллаев**.

VII. ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ

ЭРГАШЕВ Пўлат Собирович



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистранти.

1981 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1997 йилда ўрта мактабни намунали шаходатнома билан тугатиб, Тошкент давлат педагогика университети қошидаги педагогика лицейга қабул қилинган.

1999 йилда лицейни "аъло" баҳоларга тугатиб, шу йили Тошкент давлат педагогика университети-нинг "Педагогика ва психология" факультетига Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган.

2001-2002 ўқув йилида республика талабалар олимпиадаси якуний босқичида "Педагогика" йўналиши бўйича, 2003 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган республика якуний II босқич олимпиадасида "Психология" йўналиши бўйича фахрли I ўринларни эгаллаган ва I даражали дипломлар билан тақдирланган.

2002-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлган.

2003 йилда университет бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатиб, "Психология" мутахассислиги бўйича шу университет магистратурага қабул қилинган.

Ҳозирда "Этник стереотиплар динамикасининг информатсион детерминациясига хос хусусиятлар (Ўзбек этноси мисолида)" мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Унинг республика илмий нашрларида 1 та мақоласи, 3 та услубий қўлланмаси, олий ўқув юрти тўпламида 4 та илмий мақоласи ва 1 та маъруза тезиси, рўзномаларда 4 та мақоласи чоп этилган.

Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлаша олади.

Илмий раҳбари: психология фанлари номзоди, доцент **Н. Сафаров**.

VIII. МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

ХАМИДОВА Альбина Рустамовна



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти магистранти.

1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1989-1997 йилларда Чилонзор туманидаги 280-ўрта мактабда, 1997-1999 йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда ўқиган.

1999 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига "Енгил саноат маҳсулотлари технологияси" йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинган.

2003 йилда бакалавриатурани тугатиб, "Пойафзал ва чарм атторлик маҳсулотлари технологияси" мутахассислиги бўйича магистратурага қабул қилинган.

2003 йилда Республика талабалар олимпиадасида "Чарм буюмлари технологияси ва дизайни" фани бўйича танлов ғолиби бўлиб, I даражали диплом билан тақдирланган.

Давлат гранти бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишида техник лавозимида қатнашиб келмоқда.

Ҳозирда у "Миллий орнаментларни қўллаб тўқимачилик материалларидан поймафзал конструкциялари ва уларни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва қўлланиладиган материалларнинг физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш" мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Республика илмий-амалий конференцияси тўпламида 1 та маъруза тезиси ва рўзномада 1 та мақоласи чоп этилган.

У инглиз тилини пухта эгаллаган.

Илмий раҳбари: техника фанлари номзоди, доцент **А.А.Ҳайдаров**.

(Давоми 5-бетда)

(Давоми. Боши 4-бетда)

IX. ЧЕТ ТИЛЛАРИ



НАСРУЛЛАЕВА Нафиса Зафаровна

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти.

1982 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.

1999 йилда Самарқанд шаҳридаги 63-сон ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатган.

1999 йилда Самарқанд давлат чет тиллар институтига инглиз филологияси факультетига ўқишга қабул қилинган. 2003 йилда бакалавриатуранинг имтиёзли дипломи билан тугатиб, шу йилнинг ўзида институт магистратурасига ўқишга қабул қилинган.

Ҳозирда «Фразеостилистика назарияси замонавий англистика объекти сифатида» мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Унинг 2 та мақоласи олий ўқув юрти тўпламида чоп этилган.

Тожиқ, рус, инглиз ва француз тилларини яхши билади. Илмий раҳбари: филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан аربоби **А.М.Бушуй**.

X. ХУҚУҚ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР



ҲАКИМОВ Раҳим Расулжонович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тошкент давлат юридик институти магистранти.

1983 йилда Наманган вилоятида туғилган.

1997 йилда Чуст шаҳридаги 3-ўрта рус мактабини битириб, Чуст тумани иқтидорли болалар интернат-лицейига ўқишга қабул қилинган.

1999 йилда Наманган давлат университетига «хуқуқшунослик» факультетига Давлат гранти асосида юқори балл билан ўқишга қабул қилинган.

2000-2003 йилларда талабаларнинг республика олимпиадаларида фаол иштирок этиб, «Конституциявий хуқуқ» йўналиши бўйича 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган.

Унинг 1 та илмий мақоласи республика илмий нашрида, бир қатор мақолалари олий ўқув юрти тўпламида, 3 та мақоласи рўзномаларда чоп этилган.

2002-2003 ўқув йилида Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлган.

2003 йилда университет бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатган.

Шу йили Тошкент давлат юридик институтига Жиноят иш жараёни, оператив-қидирув фаолияти, криминалистика ва суд экспертизаси таълим йўналиши бўйича магистратурага қабул қилинган.

Ҳозирда «Қасддан одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш муаммолари» мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Унинг 1 та илмий мақоласи республика илмий нашрида, бир қатор мақолалари олий ўқув юрти тўпламида, 3 та мақоласи рўзномаларда чоп этилган.

Инглиз, рус, тожиқ тилларини пухта эгаллаган. Илмий раҳбари: юридик фанлари доктори, профессор **Ф.А.Абдумажидов**.

XI. ЖУРНАЛИСТИКА



ДЎЛТАЕВА Динора Иброҳимовна

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти.

1983 йилда Беларуссиянинг Бобруйск шаҳрида туғилган.

1989 йилда Фарғона шаҳридаги 9-ўрта мактабда, 1994 йилдан Тошкент шаҳридаги 74-ўрта мактабда ўқиган. Мактабда ўқиш билан бир вақтда фортепиано бўйича мусиқа мактабини ҳам битирган.

1999 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетига ўқишга қабул қилинган.

2003 йилда университет бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатиб, шу йилнинг ўзида магистратурага қабул қилинган.

2001-2003 йилларда университетнинг «Тил ва дунё» газетасида масъул котиб, 2003 йилдан «Пойтахт-информ» ахборот радиосида муҳаррир сифатида ишламоқда.

У АҚШ ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ўртасида алмашув дастурида иштирок этиб, WНУУ радиоси (Филаделфия) ва КFOR (Оклахома сити) телеканалда малакасини оширган.

Ҳозирда «Замонавий ахборот монополиячилари: шаклланиш босқичлари, ривожланиш тамойиллари» мавзuida магистрлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Унинг 3 та мақоласи республика нашрларида ва бир қатор мақолалари рўзномаларда чоп этилган.

Инглиз, рус тилларини пухта эгаллаган. Илмий раҳбари: филология фанлари доктори, профессор **Ф.А.Мўминов**.



асарлари республикамизда ва бошқа бир қанча чет мамлакатларда — Голландия, Германия, Австралия, АҚШ, Исроил, Канада, Марокаш, Ҳиндистон, Туркия, Швейцария каби давлатларда намойиш қилинган.

Республикамиздаги мўйқалам соҳиблари орасида ўзига хос бадиий услуби ва нафосат оламига эга санъаткорлардан бири, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми ва Бобур номидаги мукофот совриндори **Акмал НУР**дир. Рассом 1959 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган.

Унинг асарлари ранглар жилоси билан сизни ўзига мафтун этиб, олис-олисларга, ҳис-туйғуларга бой гўзаллик ва муҳаббатга етаклайди, кайфиятингизни кўтаради.

Акмал Нур асарлари намойиш этилган ҳар бир кўргазмалар томошабинлар билан доимо гавжум. Унинг

— **Болалик даврингизни эслайсизми? Аввало, илк бор қўлингизга қалам тутказган устозингиз ва ижодга кириб келишингиз ҳақида айтиб ўтсангиз.**

— Дадам адабиётга қизиқувчан инсон бўлиб, шеърятни севарди. Болалигимда дадам менга кўплаб дoston ва ҳикоялар ўқиб берганлигини эслайман. Ўша пайтларда мен рассом бўламан деб ўйламаган эдим. Мактабда яхши ўқирдим. Айниқса мусиқа, шеърят менинг жону дилим эди. Адабиётни севардим. Биз яшаётган Наманган вилоятининг ажойиб манзараси мени ўзига жалб қиларди. У ерлар ҳозиргача кўз олдимдан бирма-бир ўтади. Кенг адирлар, улар ён-бағридаги тепаликлар, хуллас, табиатни томоша қилар эканман, пластик чизиқларга эътибор бер-

вақтнинг ўзи йўқ эди. Тенгдошларим билан ёниб-қуйиб расм ишлардик. Дастохимиз(этнодик)ни кўтариб, табиат кўйига, боғ ва далаларга чиқиб расм чизардик.

Аспирантурада ҳам Раҳим Аҳмедов устозлик қилган. Шу ўртада ҳарбий хизматда бўлиб қайтдим. Ҳарбий хизмат даврида ҳам бўш вақт топилди дегунча, фақат расм чизардим. Мана шу ишларим натижаси ўлароқ, Москвада бўладиган кўргазмаларда ўз асарларим билан қатнашдим. Мен учун ҳақиқий ижод мана шундан сўнг бошланди. Аста-секин бошқа давлатларга саёҳат қилиш ва у ерларнинг санъатига бўлган қизиқишим тобора ортиб борди. Шу даврлар ижодий изланишларимга тўла бўлган энг яхши дамларим ҳисобланади.

Тасвирий санъатнинг турли жанрла-

Акмал НУР:

«ИЖОДКОР ОДАМ БИР УМР ЎҚИЙДИ»

дим. Худди шу каби табиатимизнинг шакллари, яшиллик, рамзий ранглари, гулларнинг жозибаси, умуман олганда, буларнинг барчаси болалигимнинг беғубор ҳиссиётларини уйғотиб, мени янада кўпроқ ўзига тарта бошлади. Шу билан бирга Наманганнинг оқ ёпинчиқ ташлаб юрувчи, жозибадор қизлари ва бошқа гўзалликлари менинг мўйқалам тебратилишимга сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Мана шу ҳисларимни оқ қоғозда чизиқлар ва ранглар воситасида тасвирлай бошладим. Улар — болалик хотираларим ҳозиргача асарларимда ўз аксини топади. Қисқаси, шуни айтиб ўтишим лозимки, ижодимда она шахрим Наманганнинг руҳи бор. Мен учун у ерлар ҳозиргача жуда қадрлидир.

Ўша пайтда болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида рассом ва наққош Иброҳим Мамадалиев деган уста машгулотлар олиб борар эди. Шундай қилиб, мен мактабдан ташқари ўша ерда расм чиза бошладим. Аввалига Иброҳим акадан наққошлик сир-синоатларини ўрганишга киришдим. Кейинроқ собиқ Беньков номидаги республика рассомлик билим юртига ўқишга кирганимдан сўнг у ерда Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Кўзибоев таълим берганлар. Билим юртини тугаллаганимдан сўнг менга Москвада ўқиш учун йўлланма берилди. Лекин собиқ Островский номидаги театр ва рассомлик санъати(ҳозирги Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн)институтига ўқишга кирдим. Институтнинг биринчи курсидаёқ Ўзбекистон халқ рассоми Муҳаммадхон Нуриддинов кўлида, кейинчалик яна Неъмат Кўзибоев бошчилигида ҳамда Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовлардан таҳсил ола бошладим.

Устоз Раҳим Аҳмедов талабаларга жуда талабчан рассом сифатида ажралиб турарди. Унинг қайсарлиги биз талабаларга жуда катта сабоқ бўлган. Талабалик йилларимда биз учун бўш

рида ўзимни синаб кўрдим. Шунингдек, бир қанча натюрморт, манзара ва портретлар ишлаганман. Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, барча таниқли рассомлар мен учун устоз саналади. Улар юқорида таъкидлаб ўтганларим, шунингдек, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Шўҳрат Абдурашидовларни ҳам устоз деб биламан. Улар менга ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ибратдирлар.

— **Менинг фикримча, ижодингизнинг асосий ғоявий мазмунини муҳаббат ташкил этади.**

— Дунё яралибдики, шу билан бирга муҳаббат ҳам яралган. Муҳаббат кенг маънода тушунилади. Азалдан буюк кишилар севги-муҳаббат билан яшаб ўтганлигини биламиз. Жалолиддин Румийнинг «Сиз қаерда ва қандай одамлар орасида бўлманг, севиш-севилишдек ҳис-туйғуни сақланг» деган маънодаги сўзлари бор. Ҳаётнинг қадрига этиб ҳаётни, одамларни севиш керак, деб ўйлайман. Фикримча, инсон севиб, изтиробларини ҳам кўрсата билиши керак. Шу мақсадда 2001 йилдаги илк кўргазмамни «Ишқ менинг саждағохимдир» деб номлаганман.

— **Яқин кунларда замонавий санъат марказида бўлиб ўтган шахсий кўргазмангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Бу шахсий кўргазмамни онамга бағишлаган эдим. Унда олтишга яқин ижодий асарларим намойиш этилган. Уларни 2001 йилдан ҳозирги давргача яратган асарларим ташкил этади. Кўргазмани ташкил қилишимга ижодимдаги янги жараёнлар, янги изланишлар сабаб бўлди. Яъни, намойиш этилган ҳар бир асарларимнинг мазмунига кўра, ҳажмий кўринишларига ҳам ўзгартиришлар киритдим. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, асарларимни яратишимда менга кўпроқ шеърини кўтаринки кайфият илҳом бағишлайди. Шоир ва шоирлар шеърларини мутолаа қилиш асносида уларга мутаносиб равишда асарларим юзага ке-



лади. Бу асарлар ҳам шеърят билан уйғунлашади.

— **Шу каби асарларингиз, энг аввало, дилга яқин ранглар орқали томошабиннинг диққат-эътиборини тортади.**

— Нафис-нозик рангларни хуш кўраман. Ёрқин маъно касб этувчи рангларни севиб ишлатаман, яъни ҳаво ранг, оқ ранг, пушти ранг ва ҳоказо, қора ранг ҳам бундан мустасно эмас.

— **Акмал ака, бир қанча чет мамлакатларда ижодий сафарда бўлгансиз. Мана шу давлатлардан олган таассуротларингиз қандай? Яқинда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон рассомларининг Ҳиндистонга бағишланган асарлари намойиш этилган эди. Унда Сизнинг ушбу мамлакат тарихига ва обидаларига бағишланган асарларингиз катта жойни олган эди.**

— Ҳиндистон санъатини кўриш ва у ерларда бўлиш менинг орзуим эди ва бу орзуим ушалди. Бу мамлакатнинг тарихига, санъатига бўлган қизиқишим баланд. 1993 йилда Ҳиндистонда бўлганимдан сўнг ижодимда туб бурилиш ясалди. Сафардан бир олам таассуротлар олдим десам, муболага қилмаган бўламан. Ушбу мамлакатга бағишлаб бир қанча туркум асарлар яратдим. Улардаги мавзулар Шарқ афсоналари билан боғланади. Шу билан

бирга, у ердаги диний эътиқод ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, кўпгина хорижий мамлакатлардаги кўргазмаларда қатнашиб келмоқдаман. Яқинда Италияда ижодий сафарда бўлиб қайтдим. У ерда машҳур Уйғониш даври рассомлари яшаб ижод этган Венеция шаҳрини кўрдим. Микеланжело, Рафаэль, Леонардо да Винчи каби рассомларнинг ижоди билан яқиндан танишган ҳолда уларнинг қабрларини зиёрат қилдим.

Италиянинг Флоренция шаҳрида Уйғониш даври рассоми Боттичеллининг кўргазмаси очилган эди. Менинг фикримча, унинг ижодига ҳақиқий гўзалликни, муҳаббатни кўриш мумкин. Бутун гўзаллик унда намоеён.

Ижодда ҳар бир рассом учун Уйғониш даври энг марказий нуқта ҳисобланади. Қайси бир рассом Уйғониш даврига мурожаат қилмаган дейсиз? У ерларнинг ҳақиқий санъатини кўриш, танишиш ижодкор учун катта бахтдир.

— **Ижодий мақсад ва режаларингиз қандай?**

— Ижодкор одам бир умр ўқийди. Ижодда тажрибалар орттиради. Ҳаётнинг ўзи ҳам кишини доимо изланишга чорлайди. Қайси бир мамлакатга борсам бой таассуротлар билан қайтишга ҳаракат қиламан. Италиянинг Венеция шаҳридаги сафаримдан сўнг менда янги ғоялар, янги изланишлар эҳтиёжи пайдо бўлди. Шуларга бағишланган ижодий режаларим бор. Қани энди, ҳамма ишни ташлаб, ижод ҳақида ўйласам. Устахонамда дунёни унутиб, ижод қилсам дейман.

— **«Маърифат» муштарийларига қандай тилақларингиз бор.**

— Зиёлиларимиз комил ўғил-қизларни тарбиялашда санъатни севиш ва қадрига етишни ўргатиб боришларини тилайман. Уларни ҳаммиза гўзаллик, муҳаббат тарқ этмасин.

**Санъатшунос
Дилсора СУЮНОВА
суҳбатлашди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-2005 ўқув йилидаги Давлат стипендиатлари бўлган талаба-магистрантларни, уларнинг ота-оналарини, уларга таълим берган мактаб, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчи-профессорлари, илмий раҳбарлари ҳамда олий ўқув юртлари раҳбарларини эришилган ушбу катта муваффақият билан табриқлайди ҳамда барчаларига сизат-саломатлик ва бахт-саодат тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази.

Amaliy mashg'ulotlarda

Математика — ҳамма ҳам қизиқвермайдиган фан. Аммо ўқувчи унинг қай даражада қизиқарли эканини англаса, ундаги мазкур фанга бўлган иштиёқни сўндирилмайси. Ҳамма гап эса ўқувчига бу фан жозибасини ҳис қилдира олишда.

Ўқувчи мактабга келгунча асосий машғулоти ўйин бўлади. Унда эпчиллик, ҳозиржавоблик ва синчковлик каби ижобий сифатлар ҳам куртак ота бошлаган, лекин маромига етмаган бўлади. Ўйинлар болалар учун кўнгулчор ва қизиқарли машғулот ҳамда билим манбаи бўлиб хизмат қилади. Тасаввур қилинг, ўқувчи маълум ва руҳий тайёргарликдан сўнг мактаб ўқувчиси бўлади. Энди унинг вазифаси ўзгаради. Бир кун давомида 4 соат таълим олади. Кечаги ўйинқароқ бола бугун 40-45 дақиқа давомида диққатини бир жойга жамлаб, маълум тартибга риоя қилган ҳолда ўқитувчи билан мулоқотда бўлади; ўқув ахборотини қабул қилади ва идрок этади. Айни шу вақтда ўқитувчи масъулиятсизлик қилса, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар кўпаяди. Дарсда боланинг ташаббускорлиги ва зийраклигини ўстириш мақсадида турли ўйинлардан фойдаланиш зарур, ўйинлар орқали ўртоқлик туйғуси, виждонийлик, тўғрилиқ сифатлари ва онгли интизом тарбияланади.

Математикадан дарс ва синфдан ташқари машғулотлар сифатини юқори кўтариш учун ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ва тасаввурини кенгайтиришга ёрдам берадиган ўйинлардан кўпроқ фойдаланиш яхши натижа беради. Бу ўйинлар умумий тарбиявий ва илм олишда ёрдам берадиган масалаларни ҳал қилишдан ташқари ўқувчиларга баъзи махсус билимларни синдиришда, малакаларини оширишда ёрдам беради.

Ўқитувчи дарс ва дарсдан ташқари ишларни услубий ташкил қилади. Ўйин давомида кўйидаги асосий масалаларни кўрсатиш мумкин.

1. Ўйиндан қутилган мақсад.
2. Қатнашувчилар сони.
3. Тайёргарлик машқлари.
4. Ўйинларни бошқариш қоидалари.

Ўқитувчи ўйинларни танлаш ва ўтказиш билан чегараланмасдан, балки уларнинг ўтишини кузатади. Бу ўйинда синфдаги ҳамма ўқувчиларнинг иштирокини таъминлашга аҳамият беради. Мен ҳам бир неча йилдан буён қизиқарли математик ўйинлардан фойдаланиб дарс ўтаман. Дарсларда "Ундовсиз ҳисоб", "Занжир", "Қизиқарли квадратлар", "Нарвонча",

"Ўйлаб топ", "Ўйланган сонларни топ", "Қим тезроқ?", "Энг яхши ҳисобчи", "Доиравий ҳисоб", "Армини топ", "Овоз чиқармасдан ҳисобла", "Математик елпигич", "Қим кўп олма узади?", "Қим голиб?" каби ўйинлардан фойдаланаман. Ўйинларни математика дарсларида турли услуб ва ёзувларга риоя қилиб ўтказаман. Аввало ўйинларнинг шарти ўқувчиларга тушунтирилиши лозим. Улар кўйидагилардан иборат:

1. Ўйин қоидалари аниқ бўлиши лозим.
2. Сонли ва геометрик материаллар шу синф дастурига ва ўқувчиларнинг билимига мос қилиб танланган бўлиши мақсадга мувофиқ.
3. Осон ва қийин ўйинлар навбат билан алмаштирилиб турилиши керак.

Ўқувчилар юқори синфларда яхши ўқишлари учун бошланғич синфларда математика фанини яхши ўзлаштиришига

Ўқитувчи доскага ёнма-ён қилиб бир неча мисол ёзади. Уларни ечиш учун икки ўқувчи чиқарилади. Ўқувчилар бу мисолни икки томондан ишлаб ўртага кела бошлайди. Улардан қайси бири кўпроқ мисол ечиб улгурса, ўша ўқувчи "Энг яхши ҳисобчи" бўлади.

"КИМ ТЕЗРОҚ?" ЎЙИНИ

Бунда сонлар ёзилган квадратлардан фойдаланилади. Доскага икки нафар ўқувчи чиқарилиб, уларга квадратларда ёзилган сонларнинг қатори кўрсатилади. Қим ўзига берилган қатордаги сонлар йиғиндисини тезроқ ва тўғри айтса, шу ўқувчи ўйин голиби ҳисобланади.

Бундай жадваллар синфга ва боланинг билимига қараб тузилади. Булар кўпроқ ўқувчиларга қўшиш ва айириш ўргатилаётганда фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлардир.

тўғри ҳисоблаганини кузатиб бораман. Сизлар учта гуруҳга бўлинасиз.

- 1-қатор — 1-гуруҳ.
- 2-қатор — 2-гуруҳ.
- 3-қатор — 3-гуруҳ.

Ҳар бир гуруҳ ўзига сардор сайлайди. Қайси гуруҳдаги ўқувчилар олдин ва тўғри жавоб берганига қараб, уларга байроқчалар бериб бораман. Яшил байроқ — "5", кўк байроқ — "4", сариқ байроқ — "3".

— Тартиб-интизомни бузган гуруҳнинг баҳосини пасайтираман, шунинг учун сизлар тартибли бўлиб, қулоқ солиб ўтиришингиз керак, шунда жавобингиз тўғри бўлади.

1-топшириқ.

Доскага олдин ёзиб қўйилган 3 устун мисоллар очила-

Мен натижани изоҳлаб, баҳолайман.

Голиб гуруҳ ва фаол қатнашган ўқувчилар рағбатлантирилади.

Бундай ўйинлар дарс давомида бўлгани учун 5-7 дақиқадан ортиқ вақтни олмайди.

Бундан ташқари, дарсда математик мақолларни тез ва тўғри айтиш мусобақасини ҳам ўтказиш мумкин.

Бу топшириқда ҳамма ўқувчиларга сонлар қатнашган ўзбек халқ мақолларидан айтиш вазифаси топширилади. Ўқувчилар навбатма-навбат қўл кўтариб, сонлар иштирок этган мақолларни айтишади. Мақолни тўғри айтган ва энг кўп билган ўқувчи байроқча билан рағбатлантирилади.

Ўйинда кўйидаги халқ мақолларини айтиш мумкин.

1. Санамай саккиз дема.
2. Етти ўлчаб, бир кес.
3. Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг.
4. Бирники мингга, минники туманга.
5. Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк.
6. Бир майизни қирқ киши бўлиб ейди.
7. Бир йил тут эккан киши юз йил гавҳар теради.
8. Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун оласан.

Шу йўл билан топшириқлар хили ва миқдорини ошириб бориш мумкин. Машғулот охирида ҳар бир гуруҳда топшириқлар сонига тенг байроқча бўлади. Бу байроқчалардаги балл сони, ҳар бир гуруҳнинг тўплаган умумий бали ҳисобланади ва қайси гуруҳ голиб эканлиги айтилади.

Шу тарзда ўтилган дарс, албатта, қизиқарли бўлади. Ҳамма ўқувчилар дарсга жалб қилинади, кейинги дарсни орзиқиб кутади. Ўқувчилар диққати тарбияланади. Ўйин фаолияти аста-секин жиддий машғулотлар билан алмашилади, яъни қийинроқ топшириқлар бериб борилади. Бу ўйинда ўқувчилар ўз гуруҳларининг голиб бўлиши учун ҳаракат қиладилар, уларда жамоатчилик туйғуси шаклланади ва навбатдаги ғалабаларга илҳомлантиради.

Ўқитувчи ҳам ўз меҳнати самарасини кўриб, қувонади, ўқувчилари билан фахрланади. Касбига нисбатан меҳр-муҳаббати, ихлоси ошади.

Муқаддам ФОЗИЛОВА,
Булоқбоши туманидаги
6-умумий ўрта таълим
мактабининг бошланғич
синф ўқитувчиси

МАТЕМАТИКА — ТОПҚИРЛИК ЎЙИНИ

фаннинг ушбу жиҳати
ўқувчида дарсга қизиқиш
уйғотади

эришиш керак.

Ўйинлар ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини мустаҳкамлайди, нутқларини ўстиради, ўзлаштириш сифатини оширишга ёрдам беради. Кўйида сизларни айрим ўйинлар тафсилоти билан таништираман.

"ЭНГ ЯХШИ ҲИСОБЧИ" ЎЙИНИ

Бу ўйиннинг бир неча тури бор:

Биринчиси: ўқувчилардан бири олдинга чиқиб, ҳисобчи бўлади. Ўқувчилар ҳисобчига мисоллар берадилар. У мисолларни оғзаки ечади. Агар ҳисобчи бирор мисолни ишлай олмаса ёки нотўғри ишласа, унинг ўрнига бу мисолни берган ўқувчи чиқади. Ўқувчилардан қайси бири ҳамма мисолни тўғри ечса, шу ўқувчи энг яхши ҳисобчи бўлади.

Иккинчи усули:

Дарслар мусобақа тарзида ўтказилса, болаларнинг фикрлаши, чаққонлиги ва дўстлиги ортади. Бундай дарслар кўйидагича ўтказилиши мумкин: — Болалар, ҳозирги мусобақа дарсимизда илгари ўрганган ҳисоблашларни эсимизга туширамиз. Мен кимлар тез ва

ди. Ёки қоғозга ёзиб қўйилган бўлса, илиб қўйилади.

6+1	7+2	4+3
8-1	8-2	8-3
5+2	8+2	5+3
6-2	3-2	7+3

Бу топшириқни бажариш учун ҳар бир гуруҳдан кетма-кет ҳар мисолга биттадан ўқувчи жавобини ёзади. Мен натижани айтиб, тез ва бехато ишлаган гуруҳга қизил байроқча бераман. Битта хатоси бўлган гуруҳга кўк ва орқада қолган ўқувчига сариқ байроқча бераман.

Ҳар қайси гуруҳнинг сардори бир вақтда чиқиб, ўзи мустақил равишда мисол тузиб, ечади. Ҳамма ўқувчилар кузатиб туради:

2+3=5	4-3=1
2+4=6	4-2=2
3+4=7	3-1=1
2+3+4=9	3+2-4=1

Tajriba, sinov, natija


саволларга жавоб бериш ва мисоллар ечишдан иборат бўлган "Доиравий ўйин"да қатнашадилар.

Бундан ташқари, дарс жараёнида ребуслар, кроссвордлар, ўзимнинг ижодимдаги математик

ўтишининг афзаллиги ўқувчилар қизиқишининг орта бориши ва ўтган мавзуларнинг дарс давомида такрорлиб боришига имкон яратади. Қолаверса, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқи ривожлана-

Кўп йиллик иш тажрибаларим математика фанини ўқитишда янги таълим турларидан фойдаланишимга кенг имкониятлар яратмоқда. Ўқувчиларнинг қизиқишини орттириш мақсадида уларни ноанъанавий дарс усули бўлиши "Мусобақа усули" асосида ўқитишни маъ-

билим даражалари бўйича 2 гуруҳга бўлинади. Лекин, асосан ўқувчилар билим даражалари бўйича уч босқичда бўлади. Учинчи босқич-юқори, иккинчи босқич-ўрта, биринчи босқич-қуйи босқич ҳисобланади. Ҳар бир ўқувчи учун мусобақадоши аниқланади. Икки гу-



руҳга бўлинган синф ўқувчиларининг биринчи гуруҳи "ал-Хоразмий", иккинчи гуруҳи "Мирзо Улугбек" деб номланиши мумкин. Гуруҳларга сардорлар сайланади. Ҳар бир математика дарси ўқувчилар томонидан, яъни биринчи гуруҳ сардорининг "Математика ҳаёт зарурати эканлигини биламиз", иккинчи гуруҳ сардорининг "Шунинг

учун бизнинг шир...", барча ўқувчиларнинг "Математика фанини чуқур ўрганамиз" деган сўзлари билан бошланади. Гуруҳ сардорлари кетма-кет ўз гуруҳлари учун ҳисобот беради. Масалан, биринчи гуруҳ сардори Бизнинг

зу бўйича мисол ечишга қатнашган ўқувчи ҳам ўз мусобақадоши билан мусобақа асосида баҳоланади. Ҳар бир дарс охирида тўплаган баллари кўшилиб, голиб гуруҳ аниқлаб борилади.

Ҳар бир ёзма ишдан

ЎҚУВЧИНИНГ МАТЕМАТИКА ФАНИГА ҚИЗИҚАДИМИ?

кул топдим. Бунда менга буюк олим Ибн Синонинг "Болаларни гуруҳ қилиб ўқитиш ташкил қилинса, жуда яхши самара беради, чунки бу жараёнда улар бир-бирларидан ибрат оладилар" деган доно сўзи тurtки бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мусобақа дарси 5-синфдан бошлангани маълум. Бунда дарс кўйидагича режалаштирилади: дастлаб синф ўқувчилари

"ал-Хоразмий" гуруҳида 12 нафар ўқувчи бор, улардан дарсга келмаганларни дарсга тайёр эмас" деб бирма-бир айтиб ўтади. Дарсга келмаган, дарсга тайёрланмай келган ҳар бир ўқувчи учун гуруҳи тўплаган умумий балдан бир балдан олиб ташланади.

Уй вазифасини айтиш учун синф тахтасига чиққан ўқувчи ҳам, янги мав-

олдинги дарс режа бўйича мустақил иш бўлиб, мен бу дарсни "Гуруҳларо мусобақа дарси" асосида режалаштираман. Бунда гуруҳ ўқувчилари орасида савол-жавоб режалаштирилиб, умумий тарзда баҳолаб борилади ва ҳар бир гуруҳ ўз балларига эга бўладилар. Бундан кейин тест саволлари берилади. Тестдан юқори балл тўплаган ўқувчилар

топишмоқлардан ҳам фойдаланаман. Ўқувчиларнинг тўплаган баллари ўз гуруҳига қўшилиб ҳисобланиб, голиб гуруҳ, ҳатто голиб ўқувчини ҳам аниқлаш мумкин.

Синф тахтасидаги чизмага ҳар бир босқичнинг баҳоси ўз вақтида қўйиб борилгани учун ўқувчилар уни кўриб, билиб, ишонч ҳосил қилади.

Мусобақа усулида дарс

ди. Асосийси, вақт тежалани ва дарснинг ранг-баранглиги ортади. Ҳатто ўқувчининг дарс қолдирмаслигига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг зеркишига ўрин қолмайди.

Ширин ТЛЕУМУРОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси
Хўжайли туманидаги
1-умумий ўрта таълим
мактабининг математика
фани ўқитувчиси

ТИЛ — МИЛЛАТНИНГ ҚАЛБИ

Мамлакатимизда давлат тили ҳақида қонуннинг қабул қилиниши халқимиз маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеа бўлган эди. Бу қонун ўзбек тилининг тарихий қадриятларини тиклаш ва ҳуқуқий асосларини яратиш учун кенг йўл очиб берди. Истиқлол шарофати билан миллий ўзлик, миллий ифтихор, миллий маънавият деган туншунчалар онгу шууримизга сингиб боргани сайин она тилимизнинг тараққиёт мезони ҳам умумда давлат ишига айланди. Маълумки, миллий руҳни шакллантирадиган, унинг ардоқ билан авайлаб-асралишига имкон берадиган энг одил омил — бу она тилидир. Тил — халқ ва миллат руҳининг бетакор, айна пайтда, ёрқин кўзгуси ҳисобланади. Тилга муносабат билдирар экан, юртбошимиз Ислон Каримов: «Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар», дея таъкидлаган эдилар.

Ўзбек тилининг давлат тили даражасига қўрилганига ўн беш йил тўлди. Ўн беш йилки, ўзбек тили жаҳонга ўзининг кўркем жозибасини кўз-кўз қилмоқда. Ҳар йили давлат тили қабул қилинган кунни «Тил байрами» сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бу байрам юракларимизда она тилимизга нисбатан эзгулик туйғуларини ўстириб келмоқда.

Бу йил тил байрами барча жойларда бўлгани каби Тошкент давлат юридик институти қишлоқдаги академик лицейда ҳам катта тантаналар билан нишонланди. «Тил — миллатнинг қалби» деб номланган илмий-амалий анжуманнинг ўтказилиши байрам руҳини белгилаб берди. Ушбу анжуманни лицей директори, филология фанлари номзоди Э.Қодиров очар экан, жумладан шундай деди:

— Тил — миллатни ўзлигидан огоҳ қиладиган қудратли воситадир, у туйғули биз бутун жаҳонга кимлигимизни маълум қилмоқдамиз. Энг катта бахтимиз тилимизнинг давлат ҳимоясида эканлиги бўлса, яна бир бахтимиз она тилимизнинг сермаъно ва сержиллигидир.

Анжуманда меҳмонлар номидан сўз олган Адлия вазирлигининг масъул ходими Эргаш Саидов она тилимизнинг ҳуқуқий доиралари фаолиятидаги бугунги мавқеи хусусида гапириб берди. Шундан кейин ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари, филология фанлари номзоди Раҳматилла Баракаев «Ҳифзилисон — тилни асрамоқликдир» ЎзФА Тил ва адабиёт институти Луғат бўлимининг бошлиғи Эргаш Умаров «Тил — миллатнинг кўзгуси» филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиёзов «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг истиқболи» ҳақида маъруза қилдилар. Сўзга чиққанлар ўзбек тилининг жаҳон ҳамжамиятидаги имкониятларига атрафлича тўхталиб, тилни севиб ўрганишни, уни кўз қорачигидек эъзозлаш кераклигини уқитиб ўтдилар.

Анжуман сўнгида педагог-ўқитувчи ва талабалар иштирокида тайёрланган мушоира ва саҳна чиқишлари ҳақиқий тил байрамга айланиб кетди. Унда Махфуза Валиева, Махзуна Саломова, Манзура Эргашева, Шерзод Тожиев ва Абдуназар Назаров сингари ўқувчилар алоҳида жонбозлик кўрсатиб, анжуман руҳига руҳ қўшдилар.

Гулчеҳра ХУЖАНОВА,
филология фанлари
номзоди

Ҳаёт илмда, роҳат маърифатда, завқ зикрдадир.

Боязид БИСТОМИЙ

Тарихи минг йилликлар билан ўлчанадиган қадим «Чаганиён» заминидаги Денов бугун нафақат Сурхондарё вилояти, шунингдек, мустақил республикамизда ҳам маълум ва машҳур туманлардан бири саналади. Илмий салоҳияти юксак, одамлари меҳнаткаш, ишлаб чиқариш соҳасида қатор ютуқларни қўлга киритаётган Денов ўзининг моҳир ва ишбилармон кишилари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Мамлакатимиз мустақиллигининг иқтисодий асосини мустаҳкамлашга камтарона улушларини қўшиб келаятган деновликларнинг ҳурмат билан тилга олинишида уларнинг илм-маърифатга, ўқиш-ўрганишга бўлган иштиёқлари сабаб бўлса, ажаб эмас.

Денов тумани ёшларидаги илм-маърифатга бўлган қизиқининг алоҳида асоси бор. Бу юртда жаҳон илми тараққиётига катта ҳисса қўшиб кетган улуғ алломалар яшаб ўтган, Дақиқий, Устурлобий, Фаррухий каби буюк сўз усталари дунё тамаддуни тарихида алоҳида ўрин тутишади.

Шунингдек, ислом оламининг энг машҳур авлиёлари саналмиш уч буюк зотнинг муборак ҳоқлари шу заминда иззату иқром топгани ҳам деновликларга фахр-ифтихор туйғусини бағишлайди.

Ҳа, Денов авлиёлар назари тушган замин. Мен ҳам ана шу заминда туғилиб вояга етганим, имкониятим даражасида республикамиз илм-фани ривожига камтарона қўшаётган ҳиссам учун энг аввало шу замин инсонларидан, ўқитган ўқитувчиларимдан миннатдорман.

Денов ўз кишилари салоҳияти жиҳатидан республикада пешқадам туманлардан бири дедик. Дарҳақиқат, ўтмиши, илмий-маданий мероси ва миллий қадриятлари бой бўлган жойдан билимдон ва салоҳиятли кадрлар етишиб чиқиши табиий. Республикаимизнинг энг илғор илмий жамоаларида Деновда туғилиб вояга етган, бошланғич саводни шу жойда олган ўнлаб фан докторлари, юзлаб фан номзодлари ишлаётгани ҳам бежиз эмас.

Ҳар гал Деновга йўлим тушса, албатта, халқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар кўламини сўраш билан бир қаторда халқ таълими соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар, ўзгаришларни ҳам суриштираман; албатта ўзим ўқиган ва ишлаган 24-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан дилдан суҳбатлашаман.

Бу гал ҳам шундай бўлди, кадрдон мактабим остонасида мактаб директори Исоқ Ҳуронов мени кутиб олар экан, «Назар ака, 2005 йилда мактабни битирганларининг 50 йиллигини нишонлаш ниятимиз бор. Сиз нима дейсиз», деб қолди. Дабдурустдан бир нарсая дейиш қийин бўлган ҳолатга тушдим. Кўз олдимда шу мактаб ҳовлисида югуриб юрганларимиз, синфдош дўстларим билан ўқиган китобларимиз хусусида талашиб-тортишиб баҳслашган-

ларимиз гаудаланди. Умр — оқар дарё, деганлари рост экан, кўз юмиб-очгунча 50 йил ўтиб кетибди. Мактабнинг кириш эшиги деворига устозимиз, мактабимиз собиқ директори, марҳум Сафар ака Қулматовнинг хотирасига ўрнатилган мрамор тахтачадаги домланинг беғубор сиймосию 1912—1993 йил деган ёзувга кўзим тушиб, ёшлик хотираларим бир-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади.

Синфимиз болалари ўткир зехнли ва бутун вужудлари билан ўқиб-ўрганишга қизиқишар, дарс мавзуси хусусида ўқитувчиларимизга савол бериб, уларни ҳол-жонига қўйишмас эди. Шундай кунларнинг бирида директоримиз Сафар ака Қулматов синфга кириб, «Уруш кўп билимдон ўқитувчиларимиздан жудо қилди, айрим фанлар бўйича мутахассис кадрлар етишмайди. Ораларингизда аълочи ўқувчилар кўп, мана масалан, Назарбой, сиз математика фанидан жуда қобилятлисиз, ҳам ўқиб, ҳам дарс

«*Milliy dastur — amalda*»

кофоти — компьютер мажмуаси билан тақдирланганлиги ва уни мактабга ўрнатгани, 2002 йилда эса яна голиб бўлиб, нусха кўчириш аппарати, 2003 йилдаги муваффақияти учун эса шахсий компьютерга эга бўлиб, АЙРЕКС томонидан мактаб-компьютерларининг интернет тармоғига уланишини таъминлагани мен учун янгилик бўлди. Бир қишлоқ мактаби ўқитувчисининг узоқ Америка мамлакатига малака ошираётгани, тажриба алмашаётгани ва кадрдон мактаби ўқитувчилари билан интернет орқали ҳар куни алоқа қилиб тургани мустақиллигимизнинг шарофатидан деб биламан. Ўқувчиларнинг компьютерда эркин ишлаётгани ва интернет орқали америкалик ўқувчилар билан ўзаро фикр алмашаётгани яна бир ютуқ.

Қаранг, биргина 24-мактаб битирувчиларининг ўзидан 10

ЁРУҒЛИКНИНГ ЗАВОЛИ ЙЎҚ

ўтсангиз, қандай бўлар экан», деб қолдилар.

Ўша йиллари ўқитувчи қишлоқнинг энг олд саводли инсонни, тоза, озода кийинувчи маънавиятли киши сифатида бизнинг назаримизда етиб бўлмас орзу эди.

Рози бўлдим, ҳам 10-синфда ўқиб, ҳам 4—8-синфларга математика фанидан дарс бера бошладим. Орадан йиллар ўтди, бир синфда ўқиган синфдошлар турли томонларга тарқалиб кетдик, уларнинг кўпи ҳозир нафақадан, аммо йиллар ўтса-да, кадрдон мактабимизда учрашиб туришни қанда қилганимиз йўқ. Барча синфдошларим қатори мен ҳам университетга кирдим, ўқишни имтиёзли диплом билан тугатиб номзодлик, докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Академик унвонига эришдим, аммо ҳалигача синфдошларим билан учрашиб қолганда ўзимни 50-йиллардагидек ўқувчи деб ҳис этишимни ҳеч яширолмайман.

Исоқбой билан анчагина гурунглашиб, мактабнинг бугунги ҳаёти билан қизиқдим. Илдизи бақувват дарахт яйраб ўсгани каби салоҳияти юксак домлаларимиз давомчилари бўлган мактабнинг ҳозирги ўқитувчилари ҳам туманда энг илғор тажриба мактаби яратган педагоглар қаторида эканидан қалбим гурурга тўлди. 24-мактабда бугун 138 нафар олий маълумотли ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 16 нафари олий тоифали, 58 нафари биринчи тоифали ўқитувчилар эканлиги мени беҳад қувонтирди.

Мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Абдусалом Алимардонов 2001—2003 йилларда муттасил АКСЕЛС танлови голиби бўлиб, танловнинг олий му-

нафардан ортиқ фан доктори, 20 нафардан ортиқ фан номзоди етишиб, жаҳон илми ҳазинасига улуш қўшаётганидан қувонмай бўладими?! Фан докторлари Эргаш Тўраев, Жалил Иброҳимов, Рашид Қулматовлар аслини олганда нафақат қишлоқдошларимиз, балки деновликларнинг ҳам фахри, ўсиб келаятган ёш авлод учун ибрат тимсоли бўлиб қолган.

Бу беҳуда гаплар эмас, биргина 2004 йилда мазкур мактаб битирувчиларининг 34 нафари олий ўқув юртларига қабул қилиниб, улардан 27 нафари давлат гранти асосида ўқишаётгани мактаб битирувчиларининг илмий қувваи ҳофизаси юксаклиги нишонасидир.

Мактаб 1996 йилдан буён «Йил мактаби» республика кўрик-танловида қатнашиб, муттасил фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу ютуқларнинг боиси бор. Мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш туман ҳокимлигининг доимий диққат-эътиборида экани, ҳар бир мактаб учун ҳомий ташкилотлар бириктириб қўйилгани ва мактабнинг таъмири ҳамда ўқув қуроллари таъминотида уларнинг бекиёс ёрдамлари борлиги, ҳокимлик ва халқ таълими орасида мустаҳкам алоқа ўрнатилгани натижасидир. «Халқ сўзи» газетасида «Деновда мактаб сўзи бош ҳарфлар билан ёзилади», деган мақолани ўқиганимда кўнглимдан кечган ҳисни тумандаги мактабларни ўз кўзим билан кўргач, янада бойитдим. Туман ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов (ҳозир Сурхондарё вилояти ҳокими) ташаббуси ва бевосита кўмаги билан туманнинг Бобур номидаги ширкат хўжалиги «Жартепа» маҳалласидаги

ўтган асрнинг 80-йилларида қурилиши бошланиб, ташландиқ бўлиб қолган мактаб атиги 40 кун орасида қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу хўжаликнинг «Бўйрачи» қишлоғида 120 ўринли, Ҳазарбоғ ширкат хўжалиги ҳудудида ҳам 120 ўринли мактаб бинолари қурилиб, ишга туширилгани эътиборга молик.

Умуман, Денов тумани халқ таълими соҳасида олиб борилаётган изланишлар нафақат Сурхондарё вилояти, шунингдек, республикамизда ҳам илғор тажриба мактаби саналади. Амалий ёрдам ва услубий кўмак учун вилоятга келадиган меҳмонлар тўғри Денов туманига ташириб буюришлари бежиз эмас. Чунки Деновда халқ таълими соҳасида ўрганса арзигулик тажрибалар тўпланган.

Ўқув-тарбия соҳасида бу ерда эришилаётган ютуқлар Халқ таълими вазирлиги эътиборини ҳам тортди. 2004 йил сентябрь ойида дарсликлардан ижара усулида фойдаланиш ва умуман мактабларни жиҳозлаш, ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида Денов халқ таълими тажрибаси республика бўйича ўрганилиб, вазирликнинг кўчма ҳайъат йиғилиши Денов туманида ўтказилди. Ҳайъат йиғилишини бевосита халқ таълими вазири Туробжон Жўраевнинг ўзи бошқаргани деновликларнинг мактабларга бўлган масъулиятини янада оширди. Республикаимизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонлар Денов халқ таълими бўлими томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик, ўрганса арзигулик тажрибалар мавжудлигини эътироф этишди.

Туман халқ таълими бўлими мудир Мамаюсуф Сапиев билан узоқ суҳбатлашдим, мактабларнинг кечаги кунни, бугунни ва эртаси ҳақида баҳс юритиб кўрдим. Мудирнинг фикрлари теран, эртанги кунга ишончи мустаҳкам.

«Туман ҳокимлиги бизни ҳар соҳада қўллаб-қувватламоқда, ҳар қандай илтимосимизни ўз вақтида ҳал қилиб бермоқда. 2000 йилга қадар бирорта ҳам компютери бўлмаган мактабларимизнинг 20 дан ортиғида қисқа муддат ичида компютер синфлари ташкил этилгани бевосита ҳукуматимизнинг таълим тизимига эътибори, ҳокимликнинг ёрдамидир», дейди мудир.

Ҳа, бу гапда жон бор, раҳбар маънавиятга, маърифатга жиддий қарадим, ҳар қандай муаммонинг ечимини топгани шубҳасиз. Зеро, ҳар қандай тилсимнинг ечими илм-маърифат орқали ҳал этилади. Илм ёруғлик сари элтувчи йўл, онги-шуури илм нури билан чароғон инсондан сотқин ҳам, бировлар ногорасига ўйновчи ғаламис ҳам чиқмайди. Шунинг учун ҳам «Ёруғликнинг заволи йўқ», дейди доно халқимиз. Зеро, илм-маърифат тунни ёритувчи ёруғлик, комилликка элтувчи етакчидир. Мен деновлик маорифчилар сиймосида ана шу ҳақиқатни ҳис этдим.

Назар ТўРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби,
академик

САЛОМ КИМГА ИЙЛАНАДИ?

Одатда, аёллар, кўпроқ уй беклари ошхонада таом тайёрлаётганларида, кир ювётганда, пишириқлар пишираётганда радио тинглайдилар. Мазмунли кўшик, сеҳрли куй, ўйлаб мушоҳадага ундовчи эшиттиришлар чарчогингизни таркатади. Узим кўпичча "Ёшлар", "Ўзбекистон" радиоканалларини, айниқса, "Хамрох", "Жараён", "Яхши кайфият", "Кун ҳикмати", "Жавоҳир", "Мутлоа" каби эшиттиришларни илжой борича тинглашга ҳаракат қиламан, чунки улардан доимо завқланаман ва керакли хулосалар чиқариб оламан.

Баъзан FM тўлкинаридан "Сезам" — E-mail табриклар ҳам кулгоғима чалиниб қолади. Бу эшиттиришни Лейла (Балки Лайлодир) олиб боради. Унинг барча ўзбекича гўзал исмларни бузиб ўқиши киши гашига тегса керак? Гулнўра (Гулнора), Дилнўза (Дилноза), Мукнира (Мунира), Ўттах (Отбек), Азизза (Азиза), Ирўда (Ирода) тарзидаги талаффузни эшитиб, ўзбек тилидан "О" товущи қачон чиқиб кетиб, "У"га айланган экан деб ўйлаб қоласиз. Ёки исмларни бузиб, қўш ундоллар билан жаранглайтиб айтиш "замонавийлик"-микин? Бошловчнинг нутқига эса ўз таъбири билан айтганда "Гап йўқ", "Келила, "Зоро" гуруҳи кўши-

Mulohaza

ўқиладики, баъзан нималигини илғамай қоласиз. Салом йўловчиларнинг асарияти — талабалар, улар ўз ота-оналарига, курдодш дўстларига, сеvimли кишиларига салом йўллайдилар. Салом айтиб кўйиш — ўзбек вақтига урф-одат. Одатда, ўзбек ақл кўрмага одамнингизга ўша одамнинг яқинларини кўриб қолсангиз: "Фалончига салом айтиб кўйинг", — дейсиз. Лекин, ажабланарлиси шуки, "Сезам"га кўнғироқ қилувчилар ёнида ўтирган ўртоғига, эрталаб салом бериб чиққан оила аъзоларига яна салом йўллади, яна қайсидир даражада. Айниқса, бир қоп

салом, котта (катта) салом қандай эканини билолмай доғда қоласиз. Тингловчиларимиз Мақсуд Шайхзоданинг ушбу мисраларини билармиканлар?

Дўстлар, яхшиларни авайлаб-сақланг, Салом деган сўзинг салмоғин оқланг.

Ҳа, ота-оналар учун эрталабки "Ассалому алайкум"нинг ўзи етарли. Фарзандлари қимматли вақтларини сарфлаб, телефон, орқали салом йўллаши уларга шарт эмас.

"Сезам" қаҳрамони Луки Лутчяна! Чойхонадаги дўстларингиз ва фанатларга салом йўллашдан чарчамдингизми? Бу эса Лейланнинг "Луки Лутчяна машинасини штрафнойдан олиб чиқсин", "Луки Лутчянага саломлар", "Чойхонадаги гулғунча Дияла, Розаларга катта саломлар"идан бир кундаёқ чарчадик. Айрим йигит-қизларимизнинг эса, сеvimли инсонлари номини ошқор айлаб, сеvги изқор қилишларидан уялдик. Гарчи ушбу FM борадовчилари ва тингловчилари газетамизни ўқишлари эҳтимолдан йироқ бўлса-да, фикр билдиришга жазм қилдик. Зеро, маънавий-ни шакллантирувчи мураббий ва ўқитувчилар ўз сабоқларида ушбу мавзуга оз бўлса-да тўхталиб ўтсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Маҳмуда ЗОИРХОН кизи

Баркамол шахснинг ривожланиши, унинг илмий-маънавий салоҳиятининг шаклланишида тилининг аҳамияти алоҳида ўрин тутган.

Турли даврларда тилимизнинг нуфузига пурт етган ҳоллар ҳам бўлди. Шўкрки, мустақиллик шарофати билан ўз тилимизнинг шаънини кўтаришга, сўз санъати — муомала маданиятимизни юксалти-

ри, уларнинг пештоқлари-га хорижий тилда лаъха ёзиш урф бўлмақда.

— Қизим, бу идорами, нима деб ёзилган? — деган саволлар билан менга бир неча кексалар муружоат этганларида хижолат чекиб, уларни ўқиб бердим. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг француз филологияси факультетида ўқийман. Француз, инглиз, не-

Ta'kid

лик барча учун зарур, айниқса ёшлар тарбиясида бу жуда муҳим. Радио, телевидение суҳандонлари ҳам ўз нутқларига жиддий эътибор беришлари зарур. Кўпичча ноаниқ сўзларни эшитиб хайрон бўлади киши, тўғри сўзлаш, айниқса бу инсонлар учун зарур-ку?!

СОФ ВА МАЪНОДОР БЎДСИН!

ришга эришмоқдамиз. Лекин ҳали олдимизда турган талай вазифалар борки, уларни бажаришда барчамиз масъул бўлишимиз зарур. Жумладан, хорижий тилларни ўрганиш, сўз бойлигимизни оширишга ҳаракат қилиш билан бирга ўз тилимизнинг нуфузини сақлашга аҳамият беришимиз зарур.

Тошкент шаҳри, шунингдек, республикамиздаги бошқа шаҳар ва қишлоқлар тобора кўркамлашмоқда. Турли идоралар, фирмалар, дўкнорлар фаолият кўрсатмоқда. Лекин афсус билан айтиш жоиз-

мис тилларини муқаммал биламан. Лекин ҳамма ҳам иморатларнинг пештоқларида ёзилганларни ўқий олмайдик-ку!.. Менимча, барча ёзувлар давлат тилида бўлгани маъқул. За-рурият бўлса таржимаси ҳам ёзилсин.

Аёл нафосат маъбудаси. Унинг жисми ҳам, исми ҳам гўзал. "Санобар қахвақонаси", "Дилорон ошхонаси", "Дилфуза хусусий дорихонаси", деб ёзиш эриш туюлади кишига.

Эълонлардаги "Бу жойда маклат қабул этилади" каби чалқашликлар, кўпол хатолар ҳақида ҳам гапирмай бўлмайди. Саводхон-

Малика РАҲМОНБЕКОВА, Зулфия номидagi Давлат мукофоти соҳирдори

ТАДБИХ САНЪАТИ

Тадбиҳ атамасининг луғавий маъноси зийнатлаш, сайқал бермоқ тушунчасига моликдир. Тадбиҳ санъатининг моҳияти шундай: шoir байтада истиораларни кўп ишлатиб бирор мазмунни ифодалайди, аммо байтадаги назарда тутилган фикр бошқача бўлади.

Масалан, Ҳўжандийнинг "Латофатнома" достонининг бир байт келтирайлик:

Олиб найза олинка хисрави Чин, Ҳабаш султонини кувди жаҳондин.

Байтнинг мазмуни: Чин шоҳи кўпга найза олиб, ҳабаш султонини жаҳондан кувди. Шoir назарда тутган мазмун мутлақо бошқача эди, — Кўёш ўз нуралирини сочиб, тун зулматини тўзатиб юборди.

Матнга юзакни боққанда байтада гўё жанг тасвири берилган. Аслида эса, шoir тонготар манзарасини чизган. Тадбиҳ туфайли истиоралар ёрдамида байт шунчалик безалганки, натижада у бошқача фикр ифодасига хизмат қилган. Матнда кўёш — Чин шоҳи истиораси билан, тун зулмати — ҳабаш султони истиораси билан ифодаланган. Кўёшнинг заррин нури — найза истиораси орқали берилган.

Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонининг XXV боби шундай байт билан бошланади:

Саҳар Сукроти чун тоғ авжи тутти,

Жамоли нури оламни ёрутти.

Маъкур байтада биргина истиора, кўёш — Саҳар Сукроти қатнашмоқда. Бу матнда тадбиҳ санъати қатнашмаган. Чунки муаллиф фикри тасвирадиги фикрдан ўзга эмасдир.

Тадбиҳ санъатининг маъсус вазифаларидан бири тасвирадга ҳаё пардасини кўтармаслик, айна пайтада воқелини моҳирона тасвирлашга хизмат қилишидир. Мавлоно Ҳайдар Хоразмий "Гул ва Наврўз" достонинда ошиқ ва маъшўқларнинг тўйи тасвирини тадбиҳ санъати орқали шундай ифода-лайди:

Оч арслон куч била жайронни илди,

Сабо гул гўнчасин ел бирла тилди.

Кўриб тургунча санъат бирла ҳаққок,

Илиқлагач, гўҳарни тешти бекоб. Кумуш инжу қилиб гул япрогин рещ,

Саломатхон ҲАСАНОВА

ШЕЪР САНЪАТЛАРИ

Асал устига ари ташлади неш. Чу сиймни ҳўққанинг оғзи очилди.

Тўқлиди лаълу йиқулар сочилди. Балиқ бўғзидан оқти дурри галтон,

Садаф курсоғидин сачради маржон

Матн идрокини оsonлаштириш учун истиоралар очқинчи беримиз: Наврўз истиоралари: арслон, ҳаққок, Гул — жайрон.

Матннинг насрий баёнини келтирамиз. Шундан муаллиф кутган фикрларни китобхоннинг ўзи идрок эта олади деб ўйлаймиз:

Оч арслон куч билан жайронни тугтиб олди.

Шамол ел билан гул гўнчасини тилди.

Заргар гавҳарни кўпга олгач, уни аёвсизларча тешди.

Кумуш жавоҳир гул япрогини йиртди.

Болари асал устига ўз нишини ташлади.

Кумуш кўлининг оғзи олиб, Ичидан лаъл ва йиқулар сочилди.

Балиқ бўғзидан қимматбахо дурлар оқди,

Чиганок қориндан қимматбахо дурлар сочилди.

Шoir Саййид Қосимий Ҳайдар Хоразмий ҳақида "Маъмаъул ахбор" достонинда ёзади:

Ҳайдар агар бердиса сўз додини,

Жумла жаҳон айлар онинг ёдини.

Дарҳақиқат, Ҳайдар Хоразмий ўша тасвирда ҳам сўз додини шундай берганки, унга тан бермай иложимиз йўқ.

ФАХРИЯ САНЪАТИ

Шoir шеърда ўз шахсий истеъдоди, асарлари ҳақида кўтаринки руҳда мактанса — фахрия санъати бўлади. Яъни, ижодкор ўз истеъдоди ва ижодий шўхрати билан фахрланади. Бобораҳим Машраб ёзадилар:

Олими нуқтадон манам, пири хўшоҳон манам,

Шўхрати шеър бобида Машраби мўтабаб ўзум.

Фахриянинг юқоридагидек очқидан-очқич фаҳр этиш усулидан ташқари

Она-Ватанимиз пойтахти атамасининг келиб чиқиш тарихи ва бу номдан англашиладиган маъно хусусида сўз кетганда, айрим олимлар "Тошкент" атамаси туркийча "тош" ва "шаҳар" маъносини англатувчи паҳлавий (қадимги форс) тилидаги "КАНТА" сўздан сўзга "КАНП" сузларни бириктиришдан юзга келганлигини айтишади. Бироқ, бу фикрнинг бирор илмий жиҳатдан асослаш ёки бирор тарихий мабоддан изоҳлаш бора-сида сукут сақлайдилар.

Пойтахт ҳокимиятидаги хизмат фаолиятим айнан аниқликни талаб этгани боис, "Тошкент" атамаси буйича кўплаб манбаларни ургандим.

Ва кутилмаганда, жуда жиддий, эътиборли маълумотларга дуч келдим. Чунончи, "Асрори номҳои кишвар" ("Мамлакат номларининг сирлари") асари билан танишдим. Ва бу китоб илмий жиҳатдан жуда қадрли бўлиб чиқди. Унда 30 га яқин жойлар ҳақидаги жўтрофий, этник ва топономий маълумотлар қадим-қадим манбалар, масалан, Птолимеий, ибн Фаригун, Ёқут Ҳамавий, Фирдавсий, Саъдий, Ганжавий, Беруний каби улуг алломалар асарлари асосида

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Айтиш жоиздирки, "Тошкент" сўзидаги "Тош" қисми паҳлавий тилида қуйидагича: Тош — одам танасининг кўринадиган жойидаги, юзиди, эътиборли маълумотларга дуч келдим. Чунончи, "Асрори номҳои кишвар" ("Мамлакат номларининг сирлари") асари билан танишдим. Ва бу китоб илмий жиҳатдан жуда қадрли бўлиб чиқди. Унда 30 га яқин жойлар ҳақидаги жўтрофий, этник ва топономий маълумотлар қадим-қадим манбалар, масалан, Птолимеий, ибн Фаригун, Ёқут Ҳамавий, Фирдавсий, Саъдий, Ганжавий, Беруний каби улуг алломалар асарлари асосида

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Айтиш жоиздирки, "Тошкент" сўзидаги "Тош" қисми паҳлавий тилида қуйидагича: Тош — одам танасининг кўринадиган жойидаги, юзиди, эътиборли маълумотларга дуч келдим. Чунончи, "Асрори номҳои кишвар" ("Мамлакат номларининг сирлари") асари билан танишдим. Ва бу китоб илмий жиҳатдан жуда қадрли бўлиб чиқди. Унда 30 га яқин жойлар ҳақидаги жўтрофий, этник ва топономий маълумотлар қадим-қадим манбалар, масалан, Птолимеий, ибн Фаригун, Ёқут Ҳамавий, Фирдавсий, Саъдий, Ганжавий, Беруний каби улуг алломалар асарлари асосида

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бурро бурро талас-фуз қилиш ҳам оҳангга эътибор бериб, кишига чекисиз завқ-шавақ бағишлайдилар. Айримларининг эса куй оҳангига нима даявганга тушунмайсиз. Хуллас, тилимизнинг софлиги, бойлиги, маънодорлигига жиддий эътибор берсак, келажак авлодга ўзбек тилимизни бой, муқаммал ҳолда етказса оласак, қандай яхши бўлар эди...

Кўшиқчиларнинг айримлари сўзларни бур

МАВСУМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИМИ?

Хозир Жиззах вилоятида 543 та мактаб, 183 та мактабгача таълим муассасаси ва 38 та мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд.

Хўш, вилоят халқ таълими тизимида кузги-қишқи мавсумга ҳозирлик қай аҳволда? Айни пайтда режадаги 4 та қозонхона таъмирдан чиқарилган. Таълим муассасаларининг синган ойналарини таъмирлаш борасида бироз оқсаш сезилмоқда. Шу кунгача режадаги 3.997 метр кв. ўрнига 3.706 метр кв. синган ойналар алмаштирилди. Таълим муассасаларидаги мавжуд печкаларни капитал таъмирлаш ишлари анча яхши йўлга қўйилган. Ҳозиргача режадаги 164 та печка капитал таъмирланди. Том устини таъмирлаш ишлари ҳам яхши ташкил этилган. Режадаги 21.000 ўрнига 22.290 метр кв. ҳажмда том усти таъмирланди.

Кузги-қишқи мавсумнинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан ёқилғи маҳсулотларини жамғаришга боғлиқ. Чунки вилоят шароитида қишлоқ мактабларининг кўпчилиги кўмир ва бошқа иситиш маҳсулотларига мослашган. Мактабларни кўмир билан таъминлаш куз ойларида ниҳоясига етиши керак. Режадаги 3.582 тонна кўмир келтирилиб, мактабларга тарқатилди. Бироқ таълим муассасаларини суюқ ёқилғи билан таъминлаш ниҳоясига етказилмаган. Ҳозиргача режадаги 145 тонна ўрнига 137 тонна суюқ ёқилғи олинди.

Кузги-қишқи мавсумга ҳозирлик кўриш доирасида таълим муассасаларининг моддий баъзасини мустаҳкамлаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинган. Шу мақсадда ўқув мебеллари учун 259.962.000 сўм маблағ ажратилди. 184 дона ўқувчи столи, 148 дона ўқитувчи стули, 184 дона синф

доскаси, болалар боғчалари учун 145 дона стол ва стул, 88 дона шкаф, мактаблар учун 1820 та парта олинди. 1-синф ўқувчиларига 26.544 дона 12 турдаги ўқув қуроллари бепул берилди. 1-9-синфда ўқийдиган кам таъминланган оила фарзандлари учун 30.878 дона 4 турдаги иссиқ кийим-бош тарқатилди.

— Қишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча ишларни қисқа муддатларда ниҳоясига етказамиз, дейди Жиззах вилояти ХТБ бошлиғи

Астанакул Бегбоев. — Бунинг учун бизда куч ва имкониятлар етарли. Ўз вақтида ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш кузги қишқи мавсумни кўнгилдагидек ўтказишнинг гарови эканлигини яхши биламиз. Қиш мавсумини намунали ўтказиш мақсадида таълим муассасаларида навбатчи ишчи гуруҳлари тузганмиз. Шунингдек, қиш мавсуми учун режага кўшимча равишда кўмир, суюқ ёқилғи жамғариш чора тадбирларини амалга ошираямиз.

Таълим-тарбияда кўзланган натижага эришиш омиллари кўп. Ўқитувчи маҳорати ва тажрибаси, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари ва бошқа жиҳатлар шулар жумласидандир. Шунингдек, ўқитувчининг машғулотларни кўнгилдагидек олиб бориши учун етарли шарт-шароит ҳам бўлиши керак. Қиш мавсумида синфхона ва боғчаларнинг иссиқ бўлиши ана шундай омиллардан биридир. Бу таълим тизимидаги барча мутасадди ходимларни ўз ишига масъулия билан ёндашишга ундайди. Зеро, қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш осон эмас. Буни унуттишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

"2004-2005 o'quv yili maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili"

Маълумки, "2004-2005 ўқув йили мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили" деб эълон қилинди ва дастури ишлаб чиқилди.

Хўш, мазкур дастур асосида жойларда қандай ишлар қилинмоқда?

Хоразмда 41 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур даргоҳларда ўқувчи-ёшларга турли касб сирларини ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлаш ва қизиқишларига

табдан ташқари таълим муассасаларида ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.


Тадбирлар самарадорлигини ошириш, мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида яқинда вилоят халқ таълими бошқармасида мактабдан ташқари таълим муассасалари директорларининг муво-

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

қараб олган мактабда билимларини ривожлантириш, уларни амалиётда мустаҳкамлаш мақсадида турли хил тўғарақлар иш олиб бораёпти. Лекин барча жойда ҳам аҳвол қониқарли эмас. Бир қатор мак-

лаштирувчи семинар кенгаши бўлди. Унда ечимини кутаётган муаммолар, долзарб масалалар ҳақида суҳбатлашиб олинди. Ҳар ойда икки марта туман, шаҳар мактабдан ташқари таълим муассасалари қошида семинар-кенгаш ўтказиш режалаштирилди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири



Илму ҳунар ўрганмоқ ёшлиқнинг энг сермазмун даврига хос. Илмли бўлиб саодатга эришмоқ бахт. Бу бахтга етишмоқ эса, анча машаққатталаб ишдир. Ҳунарли бўлиб элга наф келтирмоқ ҳам одилликнинг белгиси. Негаки, ҳунарни ёшлиқдан оқ қалба сингдирмоқ даркор. Демак, уларни зое кетказмасликка, ҳунарли бўлмоққа ёшлиқдан оқ астойдил бел боғлаб киришилдим, ана шунинг ўзи катта бахтдир. Хива тумани енгил саноат касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси Баҳром Абдиев ўз ўқувчиларини касб маҳорати синоатларидан воқиф қилаётир.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

ИЖОДИЙ ТЎГАРАК «ҲИСОБОТ»И

Бундан уч йил муқаддам Тошкент давлат маданият ва санъат институтлари ижодкор талабаларидан иборат "Ёш шоирлар ва драматурглар" тўғарагининг тузилиши кўнгли адабиётга ошно ёшларни бир даврага бирлаштирган эди. Шоир ва драматург Эркин Самандар раҳбарлигида ўтказилиб келинаётган адабий анжуманлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бера бошлади. Сўз

Qutlug' ostona

санъатига дўст тутинган талабаларнинг қалами чарҳлана борди. Энди ижодкор талабаларнинг ўзи хос "ҳисобот" бериш мавриди келиб қолди. Шу боис кунча Тошкент маданият институтида тўғарақнинг фаол аъзоси, ижтимоий-маданий фаолият факультетининг 2-курс талабаси Ғолиб Абдусаломовнинг ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбир уюштирилди. Унда дастлаб таниқли ижодкор Эркин Самандар тўғарақ фаолияти, мақсади ва ўз навбатида, ёш қаламкаш Ғолиб Абдусаломов ижоди тўғрисида сўзлади. Сўнгра шоир Ҳусниддин Шарипов ҳам тўғарақ фаолияти хусусида гапириб, ушбу адабий анжуманлар бадиий ижодга пойқаддам бўлишини таъкидлади.

Тадбирнинг сўнги қисмида Санъат институтидан ташриф буюрган талабалар ўз ижодларидан намуналар ўқишга, дилрабо наволар баробарида Ғолиб Абдусаломов шеърларига институт талабалари томонидан басталаниб, ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга манзур бўлди.

Ш.НИШОНОВ

Бозор иқтисодиёти шароитида бозорда ўз улушига эга бўлишни, уни кенгайтиришни истаган ҳар қандай хўжалик субъекти албатта маркетинг тизими унсурларидан самарали фойдаланиши шарт. Мазкур унсурлар орасида "Public relations" ёки омма билан алоқа воситалари муҳим ўрин тутди. Омма билан бевосита алоқа, фирмага харидорни боғловчи елим. Унинг бир неча таърифлари мавжуд. Лекин мутахассислар ҳам ҳалигача унинг ягона таърифи тўхталганлари йўқ. Ушбу соҳанинг машҳур намояналаридан бири Сэм Блэк куйидаги таърифни беради: Паблик рилейшнз — субъект томонидан ташқари муҳит билан аниқ ва тўлиқ ахборотга таянган ҳолда ҳамфикрлик воситасида уйғунлашувга имкон яратувчи фан, санъат, усул ва услубларнинг мажмуидир.

XX аср бошида Эдвард Бернэйз бошқа бир таърифни таклиф қилди: Паблик рилейшнз жамоатчиликни ўз ёндашуви ёки ўз ҳаракатларини ўзгартиришга ишонтириш, шунингдек ташкилот фаолиятини жамоатчилик манфаатига мослаштириш ёки тескарисини амалга оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлардир. Россиялик бир гуруҳ олимлар айнан шу ёндашув тарафдори бўлиб, уни амалий фаолият сифатида қабул қилдилар. Бу таърифлар ўз моҳиятига кўра бир томонлама, баъзилари эса юзаки бўлганлиги сабабли Паблик рилейшнз амалиётини ва фанини чегаралаб қўйишдан ташқари, ҳатто мазмунини аниқлашда ҳам ноаниқликларга сабаб бўлади.

ЖАМИЯТ У ҲАҚИДА АХБОРОТГА ЭГА БЎЛМАСА

У ЖАМИЯТ УЧУН МАВЖУД ЭМАС

Жамоа фикрининг бундай шаклланиши асосида, авваламбор, ишлаб чиқарувчи корхона товар ёки хизматни фойда олиш учун эмас, жамоа манфаатлари йўлида ишлаб чиқараётгани ва сотаётгани ҳақидаги гоё ётади. Шундан келиб чиқиб, Паблик рилейшнз ахборот, нуфуз, реклама олди ва эслатувчи вазифаларни бажаради.

Бугунги кунда Паблик рилейшнз атамаси куйидаги асосий йўналишларни қамраб олади: ижтимоий фикр, ижтимоий муносабатлар, ҳукумат муносабатлари, жамоа ҳаёти, саноат муносабатлари, молиявий муносабатлар, халқаро муносабатлар, истеъмолчи муносабатлари, тадқиқотлар ва статистика ҳамда оммавий ахборот воситалари.

Паблик рилейшнз муваффақиятининг гарови — узлуксиз фаолият, ҳақиқат ва тўла ахборотдир. У ҳеч қачон юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини алмаштира олмайди, балки яширин камчиликларни аён қилади. Режалаштиришнинг дастлабки босқичларидаёқ вақтни аниқ

тақсимлаш ва устувор йўналишларни белгилаб олиш жуда муҳим ўрин тутди.

Ҳар қандай фирма жамиятнинг бир бўлаги сифатида мунтазам равишда, ўз вақтида ҳамда ҳақиқатдан ҳам жамиятнинг ўзининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида хабардор қилганида ўзини ижтимоий муҳитда яхши ҳис қилади, жамият ҳам ўз навбатида бу фирма ҳақида объектив тасаввурга эга бўлади. Фирманинг фаолияти қанчалик ҳақиқатга асосланган бўлса, у жамиятда ҳурмат, ишонч, мойилликни туғдиради.

Айниқса, ҳозирги кунда сифатсиз, ёлғон рекламалардан безган, "оғзи куйиб қатиқни ҳам пуфлаб ичади"ган мижоз бунга тушуниб етиши жуда муҳим. Ва ҳозир барча рекламалардан қочиб, жамиятда мавжуд бўлган, синалган ахборотга таянади.

Бизнесда Паблик рилейшнз бу аввало, ҳамкорлар, мижозлар, харидорлар онгига фирма тўғрисида ижобий фикрлар уйғотишдир. Бунинг учун қўллани-

ладиган воситалар турли-туман бўлиб, у фақатгина матбуот, радио ва телевидение билан чегараланмайди.

Паблик рилейшнзнинг асосий шакллари куйидагилар: журналистлар ушбу пресс-конференциялар ўтказиш, матбуотда нотижорат мақолалар, телекўрсатувлар, радиорепортажлар тайёрлаш, юбилей ва байрам тадбирлари уюштириш; фирма фаолиятига алоқаси бўлмаган оммавий тадбирларни ўтказиш (спорт, санъат, лоторей уйинлари, фан ва бошқалар), оммавий ахборот воситалари билан муносабатлар ва ҳоказо.

Лекин кўп ҳолларда бу тадбирлар Паблик рилейшнзнинг дастурлари ва қонун қоидаларига мос келмайдиган тарзда олиб борилади. Шунинг учун ҳам, омма фирмалар ҳақида кам ахборотга эга. Агар жамият фирма ҳақида ахборотга эга бўлмаса, у жамият учун мавжуд эмас. Агар фирма жамият эҳтиёжлари ҳақида ахборотга эга бўлмаса, у фирма учун мавжуд эмас. Иккала ҳолда ҳам фирманинг мавжудлиги таҳлика остида бўлади. Паблик рилейшнз улкан алоқа, ахборот ва тижорат эффектига эга. Усиз фаолият юритиб бўлмайдиган давр етиб келди. Ва бу иш билан жиддий шуғулланиш зурур.

Қудрат ДИЛМОҶОВ,
Бух ДУ талабаси

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг шу йил 27 октябрдаги №87(7696) сони 4, 10-бетларида берилган суратларга тегишли тағсўз матнлари алмаштириб ўқилсин. Техник сабабга кўра йўл қўйилган мазкур хатолик учун муштариолардан ўзр сўраймиз.

Oramizdagi odamlar

Эрта тонг туман марказига ишга келаётган кишилар эътиборини «Болалар боғи» томон бораётган ғайриоддий кийимдаги ўнлаб бола тортардики, ҳатто энг лоқайд одам ҳам ҳеч бўлмаса кўз қирини ташламасдан ўтолмас эди. Бир қизча бошига қизил қалпоқча кийиб олган, сариқроқ тусдаги йигитча эса, бурнига бурун улаб олибди, яна бирининг майда ўрилган улама сочлари атлас кўйлагининг этаги баробар тўлғаниб турибди. Ўзи эса, фильмлардаги малика-қизалоқлардек мафтункор. Йўл четида тонги сайр баҳона гурунглашиб ўтирган икки нуроний отахон узоқ муҳокамадан сўнг, бу болалар турли эртак қахрамонлари эканлигини билиб, тиниб-тинчимас Дамирахон 1 июнда «шумтака»лар бир

минг бора ҳақ эканликларига қаҳрамонимиз тимсолида амин бўлдим.

Қаҳрамонимизнинг тавсифи оддийгина: Дамирахон Юсупова 1975 йилда Фарғона давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. 1996 йилдан буён Бағдод тумани халқ таълими бўлимини бошқариб келмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси».

Опанинг иш услубини кутатар экансиз, Бағдод халқ таълимида ўзига хос тартиб, ижод йўли, ўзгаларниқидан фарқ қилувчи услуб бўлишига интилишини англайсиз.

Ишдаги талабчанлик, муамоларни ҳал этишда адолат билан ёндашув, ўқитувчи манфаати доирасидаги масалаларда қатъиятлик, баъзида маориф манфаатига арзимас путур етиши мумкин

лажак мақсади йўлида фойдалансак, самаралироқ бўлади.

Шу тариқа туманда янги турдаги таълим масканларидан яна бири, олий ўқув юртлари, илмий марказлар билан ҳамкорлик қилувчи Олимпиада захиралари махсус илмий-тадқиқот лицей-интернати ташкил этилди. Ўтган ўқув йили 17 нафар илк қалдирғочларнинг барчаси грант асосида олий ўқув юртларининг талабаларига айланишди. Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, ҚДПИ, ВХТХМОИ билан ҳамкорлик қилаётган лицей-интернатда эртанги пойдеворимизнинг мустақкам ништалари қўйилмоқда.

Тумандаги 3 та лицей, 52 та мактабда таълим самарадорлигига эътиборнинг кучлилиги натижаси ўлароқ, фан олимпиадаларида бир неча йилдан буён туман ўқувчи-

ДЕНОВЛИК МУАЛЛИМА ҒАЛАБАСИ

Сурхондарёдаги мактабларда фаолият юритаётган 37 минг нафардан ортиқ муаллимлар ўртасида ҳар йили анъанавий равишда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови Низом асосида мактаб, туман, вилоят босқичларида ўтказилади.

Термиз шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабида ўтган бу йилги вилоят босқичида қатнашган муаллимлар ўз касбини улуглаш, мураккаб педагогик ва психологик

«Йил о'қитувчиси — 2004»

вазиратда одилона, оқилона йўл тутиш, бўш вақтлардан самарали фойдаланиш, тест топшириқларини бажариш, ноанъанавий дарс ўтиш бўйича қизгин кураш олиб бордилар.

Албатта, ўз туманида муваффақиятга эришган муаллимлар республика кўрик-танловида қатнашиш учун барча имкониятларини ишга солишди. Аммо ҳакамлар ҳайъатининг ҳолисона баҳолари ҳисоб-китоб қилинганда энг кўп балли Денов туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Муҳаббат Жўраева тўплаганлиги аниқ бўлди. Демак, у энди Тошкент шаҳрида ўтадиган якуний босқичда Сурхондарё вилояти шарафини ҳимоя қилади.

Н.Тўраев

«ДУОГА ҚЎЛ ОЧИНГ»

хурсанд бўлсин дебди-да, деган қарорга келишди.

Эртаклар оламига айланган «Болалар боғи» томон бораётган набираларига қараб, ўз болаликларидagi оғир кунларни эслашар экан, қариялардан бири: «Невара-чевараларимизга доруломон кунлар насиб этганига шукр» деб қўйди.

— Сизга айтсам, раҳбарда ҳам гап кўп. Ана, Ўринбойнинг қизини қаранг, аёл боши билан ишни қойиллатаяпти. Умри узун, мартабаси зиёда бўлсин илоҳим, — деди иккинчиси. Отахонлар юзларига фотиҳа тортар эканлар, яна алланималардир деб дуо қилишди.

Дарҳақиқат, раҳбар учун олий мукофот — бу элнинг дуосидир. Эл икки хил мақсад билан юзига фотиҳа тортиши мумкин: бири олқиш, иккинчиси қарғиш учун. Кимга олқиш, кимга қарғиш борасида махсус қонунлар чиқариб бўлмайди. Чунки халқ ҳукми ҳар бир одамнинг жамиятдаги ўрни, ўз эли, юрти, халқи фаровонлиги йўлида амалга ошираётган савобли ишларига қараб чиқаради. Президентимизнинг Сурхондарё вилояти кенгаши сессиясида: «Раҳбар қачон эл-юрт ишончини, эътиборини қозона олади? Қачонки, юраги, кўнгли тоза, кўнгли очиқ, ақл ва заковат соҳиби бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан билим, талабчанлик билан адолат уйғун бўлса, у ўзи бошқарадиган одамларнинг ғам-ташвишларини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлса...», деганларида

бўлган масалалардаги соатлаб тортишувлар мудира учун кундалик ҳолатга айланган.

... Излаган имкон топар, изламаган баҳона, дейишади. Тумандаги 27-мактаб янги бинога кўчиши натижасида эски бино бўшаб қолди. Унинг сотилиши тадбиркорларнинг умумий йиғилишига қўйилди. 600 дан ортиқ одам тўпланган залда қайсидир тадбиркор чойхона қилишини, яна бири нон ишлаб чиқариш цехи куриш нияти борлигини билдирди. Яна кимдир гузар қилиш таклифини киритди. Тасарруфидagi биналарнинг биронта ништини ҳам бировга ушлатиб қўймайдиган мудира наҳот эски бўлса-да, бутун бошли мактабни қўлдан чиқариб юборса? Ҳамманинг нигоҳи опага қаратилган. Ҳар доимгидек шахдам қадамлар билан юқорига кўтарилган мудиранинг тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатишини кутиб турганлар бутунлай бошқа оҳангдаги сўзни эшитишди.

— Тўғри, чойхона яхши, қарияларимиз чой ичиб, дуо қилиб ўтиришади, гузарнинг ҳам ўрни бўлак, ёш-яланг, маҳалла аҳли дам олади, нон цехига қарши эмасман, тўкинчилик бўлади. Лекин менга имконият берсаларинг, туманимизда таълим олаётган 40000 дан зиёд ширин-шакар фарзандларимизнинг иқтидорлилари учун янги турдаги мактаб ташкил қилар эдим. Эртага улар Бағдод юкига елкасини тутиб, сизнинг, бизнинг, халқимизнинг юзини ёруғ қилади. Таклифим, бинодан бугунни ўйлаб эмас, ке-

лари вилоят босқичида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Яна бир гап. Опанинг «тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ижтимоий ёрдам фондидан бир қисмини етим болалар учун дарслик олиб беришга ажратилса қандай бўларкан», деган таклифини туман ҳоқими Т.Эгамбердиев дарҳол маъқуллади ва ташаббусни туман кенгашига қўйди. Ташаббус бир овоздан маъқулланиши натижасида тумандаги 1148 нафар боқувчисини йўқотган болалар 2 сентябрь куни мактабга сўмкада тўла дарслик билан кириб боришди.

Бутун республикамизда бўлгани каби болалар спортга эътибор опа фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида туман ёш спортчилари умумжамоа ҳисобида вилоятда фахрли 2-ўринни эгаллаб келмоқда. Бу ижобий натижалардан хурсанд бўлган туман ҳоқимлиги «Марказий ўйингоҳ»ни ҳам халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказиб берди.

Бу муваффақиятлар замирида қанча даражадаги меҳнат мужассамлигини ҳис қилаверинг.

Бизнинг ҳам ниятимиз — халқ кўнглига йўл топа олаётган Дамира Юсуповадек фидойиларимиз сони юртимизда кўпаяверсин.

Тўлкиной ХАЛИЛОВА,
Халқ таълими аълочиси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси ҳамкорлигида «Ватаним деб сени уйғондим» номли кеча ўтказилди. Унда таниқли адабиёт вакиллари, Олий адабиёт курси тингловчилари ҳамда пойтахтдаги олий ўқув юртлари талабалари иштирок этдилар. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов кечани очар экан, жумладан шундай деди:

— Адабиётимизнинг эртанги

зиб келинаётган республика ёш шоир-ёзувчиларининг Зомин анжумани, ЎзМУ ўзбек филологияси факультетидаги Олий адабиёт курсининг фаолият юритиши, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши шулар жумласидандир.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган «Ватаним деб сени уйғондим» номли ки-

ВАТАНГА ШУНЧАКИ КЕЛИБ БЎЛМАЙДИ

куни, келажакни белгилаб берадиган, шу олижаноб мақсадда кўлига қалам тутган ёш шоирларнинг шеърларини тинглашга йиғилган эканмиз, шу нарсани айтиб ўтмоқчиманки, биз уларни фақат истеъдодли деб гапириш билан чегараланмасдан, қўллаб-қувватлаймиз ҳам. Улуғ шоирлар, доҳий, мутафаккирлар шаклланиб осмондан тушмаган. Уларни ҳам кимдир қўллаган. Шу маънода бугун республикамизда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча ишлар амалга ошириляпти. 9 йилдан бери ўтка-

тоб тақдимоти бўлди. Ушбу китобдан 40 га яқин ижодкорларнинг энг сара шеърлари жой олган.

Шунингдек, Олий адабиёт курсининг 5 нафар битирувчиларига диплом топширилди.

Кечада турли мавзудаги шеърлар ўқилди. Шулардан энг кўпи Ватан ҳақида эди. Шоира Хосият Рустамованинг қуйидаги сатри, назаримда барчага ёқди.

Ватани шунчаки
севиб бўлмайди,
Ватанга шунчаки
келиб бўлмайди.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА

УСИЗ ДУНЁ НЕ КЎЙГА ТУШАР?..

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент давлат санъат институтида ўтказилган илмий-амалий семинар «Фан, маданият ва жамият ривожидида аёлларнинг тутган ўрни» мавзусига бағишланди. Институт ректори Б.Сайфуллаевнинг кириш сўзи билан бошланган йиғилиш республика «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова, Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудирини М.Холматова, шунингдек бу даргоҳда ишловчи мураббийларнинг маърузаларига уланиб кетди. Тадбирда таъкидланганидек, инсон қаерда бўлмасин, қаерда ишламасин унинг юраги оиласи сари талпиниб турса, бундан ортиқ бахт йўқ. Оила деганда эса, дастлаб аёллар кўз ўнгимизга келади. Шу сабабдан аёлларнинг гарданида бир дунё ташвиш туради. Аёл — она, аёл — мураббий, таш — рафиқа, аёл — килотчи ва ҳоказо. Рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Усиз дунёнинг не кўйга тушишини ҳеч ким тасаввурига сиғдирилмас керак.

Анжуманда икки палатали парламент сайловларида депутатларнинг 30 фоизини аёллар ташкил қилишига урғу берилди. Умуман, семинарнинг ўтказилишидан мақсад, хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фаол иштирокини яна бир бор эслатиш ва таъкидлаб қўйишдан иборат эди.

Тадбир сўнггидаги мутахассислар ва қатнашчилар ўртасидаги савол-жавоб баъзи тушунмовчиликларга ойдинлик киритди.

Азиз НОРКУЛОВ

Seminar

**(Давоми. Боши газетанинг
ўтган сонларида.)**

Ниҳоят, Шукур аканинг тушунтиришлари остида сўлга бурилиб, ўзимга ғоят таниш ҳужрага йўл олди.

Кираётиб кимлардир шивирлади:

— Туалет дейишаркан-а?

Шукур ака эшитиб қолиб:

— Ҳа, — деб дўриллади-да: — Шошманглар. Бўтга кейин кирсак ҳам бўлади, — дедилар. — Залга қайтиб тушамиз. Сизларга айтадиган беш-тўрт оғиз гапим бор. Барибир бўтга сиғишмаймиз... Қани, Лаэрт, буларни бошлаб туш! Ман битта чой буюрай...

Биз сахнанинг ўнг томонидаги кичкина зинапоядан куйига эндик. Лаэрт — театр институтининг студенти чапдастик билан бизни биринчи қаторга ўтказди. Кейин орқа тарафдан бир стул келтириб, рўпамизга қўйди. Кейин сахнага югуриб чиқиб, кичкина столча ҳам олиб тушди.

Ниҳоят, қаршимизда—сахнада Шукур ака пайдо бўлиб:

— Петка, тепадаги чироқларни

олибди. Мотам дастурхони тўй дастурхонига айланибди. Базми жамшид бўлапти. Дарҳол энди ҳақли гумон пайдо бўлди. Эндиги мақсад: ушбу хиёнатнинг тагига етиш. У оҳ чекиб юрган тунларнинг бирида отасининг арвоҳи учрайди... — Шукур ака куйиб қўйган чойидан бир хўпладилар-у, бизга беш қўлдек аён бўлиб кетган мазмунни яна такрорлаётганларини фахмлаб қолгандек, бир муддат жимиб тургач: — Шу, у ёғи ўзларингга маълум, — дедилар.

— Маълум, маълум, — деди Менгтурди (Розенкранц).

Менингинамас, бошқаларнинг ҳам гаши келди шекилли: чунки Шукур ака биз беш қўлдай ёд билган ҳикоятни шундай фожеавий оҳангда — зални тўлдирган бир овозда ҳикоя қилардиларки, ўлай агар, роҳатланиб эшитмоқда эдик.

— Ҳўп, — дея Шукур ака энди бизга буткул бурилиб олдилар. Сўнгра у кишининг қиёфасида бир хурпайиш пайдо бўлди. Кўзлари гоҳ кичрайиб, гоҳ каттариб, Горациога тикилиб қолдилар. — Биласанми, сан кимсан? Гапирма, тингла...

Гамлетнинг махрамисан, унинг

ларни кийиб олиб (менга Гамлетнинг кийим-бошини шахсан Шукур ака кийдирган эдилар), гоҳ Шукур Бурхоннинг хонасида тўпланар, гоҳ ховлига чиқиб солланиб юрардик: ажабо, бу шоҳона уст-бошда ўзимизни бошқача тутардик, яъни бизда ажабтовур ғурур пайдо бўлган, қолаверса, ўзимизни тахминан ўша — ўтмиш асарларидан келиб қолган зотлар каби ҳис этардик, чамамда.

Табиий, биз ҳаяжонда эдик. Аммо буни бир-биримизга-да билдирмас, фақат энтикиб кетишларимиз сиримизни ошкор этиб турар, шунда бир-биримизга маъноли жилмайиб қўярдик: ҳа-ҳа, биз Шукур Бурхоннинг дарғалигида сирли бир кемага тушган йўловчилар эдикки, манзилимиз аниқ бўлса-да, ҳаяжон қуршовида эдик.

Шукур ака-чи, дарғамиз — улугимиз, устозимиз? О, назаримда, биздаги сиртга чиқмаётган барча ҳаяжону титроқлар у кишида намён бўлмоқда эди: ажаб, Шукур ака ўз ҳолатини ҳеч кимдан сир тутмас — қовоғи солиқ, гўёки ҳаммамизнинг ролимизни битта ўзи ижро этадиганга ўхшаб кетарди.

У киши, таъбир жоиз бўлса, қан-

дан сўнг, тўртинчи қатор кўрсатилди уларга.

Уларнинг бири — Саида—Офелиянинг волидаси Ҳалима опа эдилар.

Алқисса, факультетимизнинг юқори курс талабалари ҳам кўрина бошлади ва қўлларида гулдаста кўтарган юртдош устозларим Нормамат Аъзамов билан Очил Пардаев ҳам пайдо бўлди. Уларга ҳам тегишли жой кўрсатилар экан, ўнг тарафдаги балкон—ложада Сора опа Эшонтўраева кўриндилар...

Бу орада зал шифтидаги ва ён-веридидаги чироқлар ёнган эдики, мен улуг актрисани аниқ кўрароқ хайрату ҳаяжон билан қайд этдимки, Саида у кишига ўхшар экан: шунини идрок этароқ оламизни кўнглимга жуда яқин олдим.

Бир замон куннинг иссиғига қарамай костюм кийиб олган казозолар ҳам ташриф буюришди.

Табиий, улар илк қаторлардан жой олишди. Шу пайтда, кейинроқми — Сора опани ҳам улар қаторида кўрдим.

Бу вақтда биз — студент-актёрлар жой-жойимизда эдик ва Шукур

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

**ТҲЙ ҲАҚИДА
ТҲРТ ОҒИЗ СҲЗ**

Нормамат Аъзамов билан Очил ака Бойсунга боришлари билан гап шундоқ-шундоқ, дея мен тайинланган, тўғрироғи, илтимос қилган хабарни етказишибди. Онам билан катта синглим Раъножон ҳафта ўтмасдан келишди. Қўлларида биттадан бўгча, чўнтақларида аҳча...

Мен уларни кечки пайт Чиғатоё дарвозаси орқали Саидаларнинг уйига обордим. Аниқроғи, ўзим толлар тагида қолиб, уларни юқоридидаги ховлига чиқариб юбордим.

Улар қоронғу тушганда, илжайишиб қайтиб келишди: тўй куни ҳам тайинланибди.

Мен Абдуллажонларнинг уйига бориб ётдим. Онам билан синглим ховлича бекаси билан гурунглашиб қолишди: уйчамда...

Хуллас, эртасидан бошлаб тўйга айтувчига айландим: табиий, тўғри домла Кўшжоновнинг уйларида бордим. Бахтимдан бўлиб, домла бугун оқшом Масковдан қайтиб келар эканлар... Сўнгра журналга кир-

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

ўчир. Сахнаям сал қорайсин, — дедилар.

Чироқлар ўчиб, зал тагин сирли тусга кирди. Биз негадир шивирлашиб гаплашардик...

Ниҳоят, Шукур ака изидан келган кимнингдир қўлидан чойнак-пиёлани олиб:

— Кўрдинг-ку, ман келдим, — деди унга. — Умуман, меҳмонлар келишганда, ахир... Санга қараганда, Петка ўзбекроқ. Бор, тагин битта пиёла обке.

Кимса олиб келган пиёлани Лаэрт обтушиб, столчага қўйди. Шукур ака қаршимизда энгашиброқ туриб, бизга бир-бир тикилар эди.

Мен беихтиёр ўртага тушиб қолган, ёнимда (асар бўйича) энг ишончли дўстим Горацио (бухоролик у йигитнинг исми ёдимдан чиққан), Саида менинг сахнавий онам Гертруда билан четда ёнма-ён ўтиришар, улардан бериоқ Усмон ака (кирол) билан арвоҳ (Камол Мамбетов) жойлашган, бу тарафимизда — Полоний (Офелиянинг отаси), Лаэрт (Офелиянинг акаси), кейин Гамлетнинг хоин дўстлари ва ҳоказолар ўрнашишган, ҳатто дайди актёрлар ролини ўйновчилар ҳам бор эди.

Шукур ака бизларга битталаб тикила-тикила сафимиздан хато топмагандай жойига ўтирди, ўтирди-ю, бирдан стулни буриб, сахна билан бизнинг орамизда якка кифт бўлиб олди.

Сўнгра ички, қандайдир хавфли бир овозда:

— Манга кулоқ солинглар, — деди. — Хаёлни бўлмангизлар... Мана, мана шу сахна — сахна эмас, йўқ. Қаср, Эльсинор! Дониёнинг маркази! Қаср, сарой... Ана шу қасрда хиёнат юз берди, хиёнат! Шаҳзода Гамлетнинг отасини заҳарлаб ўлдирдилар. Ким ўлдирди? Ўз укаси билан ўз хотини. Хуллас, шаҳзода Гамлет келиб кўрдикки, отасининг қазосига қирқ кун тўлмасидан, яъни қирқ ўтиб-ўтмасдан онаси амакисига тегиб

жону дилисан! Мана бу — орқамиздаги қасрдаги барча сиру синоплардан бохабарсан. Гамлетга ёрдам беришни истайсан. Аммо қўлинг калта. Шунинг учун ҳозир изтиробда ўтирибсан... Сан Гамлет, сан — Шукур эмассан. Йўқ! Шаҳзодасан. Мана бу қасрнинг асл эгасисан! Сан анави Офелияни севар эдинг. Аммо у ҳам хоинлар-сотқинлар, қотиллар тарафида бўлиб чиқди. Чунки унинг отаси — ҳой, Полоний, ўтган қотилликнинг бошида тургансан. Саннинг бу ишлардан мутлақо беҳабар бўлишинг мумкин эмас, Офелия. Сан — Гамлет, шундай ўйлайсан. Шунинг учун уни рад этдинг. "Узлатга чекил!" деб фарёд қилдинг. Ҳа. Сан — Офелия, бу ҳолларга тоқат қила олмасдан ўзингни сувга чўктирдинг... — Шукур ака фавқулодда ўзгариб, чойдан яна хўпладиларда, қандайдир истеҳзо аралаш оҳангда: — Биламан: бир-бирингга не равнадушнийсанлар. Ўзларинг биласизлар, — дедилар. — Аммо бугундан бошлаб муомалани ўзгартиришга мажбурсизлар... Тушунтира олдимми? Ҳеч қанақа ишқий учрашувга йўл қўймайсизлар... — Шукур ака гапирар, мен бошимни эгиб ўтирардим. Саида қай аҳволда экан? Хайрият, шунда Қиролимиз чалғиб атрофларни томоша қилаётган экан, Шукур аканики тугиб кетди: — Ҳей, нимага амманнинг бузоғига ўхшаб анграясиз атрофга, Усмон ака? Сиз ахир — Қиролсиз-ку, Қирол! Ўз қасрингиздасиз! Одам ўз қасриниям ҳадеб томоша қилаверадими? — Сўнгра Камолга ўтиб: — Сан укам, ўзбекчани ўрганишга ўрганибсан-у, раҳмат, аммо та-лаф-ффуз, талаффуз-иниям ўрганиш керак-де! Гап шунда...

НАМОЙИШ

Биз — спектакль қатнашчилари аллақачон Гамлет замонидидаги Қирол муҳитида расм бўлган либос-

дайидир қафасга тушиб қолган йўлбарсга ўхшар, дам ховлида, дам хоналарида пайдо бўлар, кўпроқ сахна ортидан у кишининг қандайдир ишчиларга дўқ қилаётгани, баъзан эса "оковси" деб суйиб, бир нималарни уқтираётганлари эшитиларди.

Гоҳо сахнада пайдо бўлиб, ҳали бўш, аммо қандайдир сирлилик касб эта бошлаган зални кўздан кечирар ва Петка билан чироқлар хусусида гаплашарди.

Ниҳоят, биз ҳам сахнанинг ўнгу сўли ҳамда ортидаги пардалар четидан мўралаб, залга разм соладиган бўлдик. Жумладан, камина қарашларимнинг бирида, ёпирай, нақ Турсун Собировнинг театр ховлисига олиб чиқадиган йўлакдан худди Шукур ака ҳамроҳлигида кириб келаётганларини кўрдим.

Улар кела-кела биринчи қаторга етганда, ортларида бизга яхши таниш бўлган актёр Турғун Азизовга ҳам кўзим тушди. Зал ҳали тўла ёритилмаган эди. Учовлон бир нималарни муҳокама этишди. Сўнгра Шукур ака Турғун Азизовга олдинги қаторларни кўрсатиб, яна бир нималарни тайинлади.

... Оқибат, нима дейсизки, зал одамга тўла бошлади. Уларнинг аксари тўғридаги катта эшиқдан кириб келишар, улар — саф-саф ва тўп-тўп эдилар. Бизнинг курсдошлар ҳам келишиб, олд қаторда ястаниб ўтирган кафедра мудиримизга салом беришиб, бир четда ҳамма нарсага кўз-кулоқ бўлиб турган Турғун Азизовнинг ишораси билан Турсун Собировдан икки қатор орқадаги стулларга жойлашишди. Ана, Лаэрт либосидаги Нойил етагида афтидан театр институтининг студентлари ҳам ховли тарафдан кириб келишди. Шунда яна ўша тарафда уч-тўртта хотинлар ҳам кўринди. Уларни Розенкранц либосидаги Менгтурди ён томондан бошлаб келаркан, Турғун акага дуч келишди ва ўзаро гаплашганлари-

ака ҳамон асабий—лўкиллаб юриб, ҳар биримизга "ҳолатдан чиқмаслик"ни уқтириб юрардилар.

Қайдадир кўнғироқ жаранглаб кетди-ю, чироқлар бир-бир ўча бошлади.

Ёмонам титроқ кираркан вужу-динга...

Учинчи кўнғироқдан кейин...

... спектакль бошланди!

Ва вақт-соати етиб, тугади.

Чапак. Барча чироқлар ёниб, томошабинлар ўринларидан туриб кетишган эдики, биз Шукур аканинг "аввал баҳор" айтиб қўйган ўғитига биноан сахнага қайтиб чиқиб ва саф тортиб, залга таъзим қилдик. Бир замон қарасам, Нормамат ака гулдастани балаанд кўтариб, ўнг тарафдаги зинапоядан чиқиб келяптилар. Гулни олдим-у, беихтиёр ёнимда турган Саидага (биз ўртада эдик) узатганимни билмай қолдим. У тисланиб-чекиниб, гинали назар-ла боққанча залга ишора қилди, чамамда. Мен гап нимадалигини дарҳол англаб, ҳали изига қайтишга улгурмаган Нормамат акага: "Кетиб қолманглар, домла. Гапим бор", дейишга улгурдим. Кейин эса, вожааб, домла Кўшжоновнинг уйларига илк бора борганиму Раҳима янгамизнинг ўша — "Ганг дарёсининг қизи" спектакли сўнгида менга берилган гулни Камол—Саидага тутганим ҳақидаги гаплари ёдимга тушиб кетса бўладими!

Одамзод ғалати экан-да: ҳали чапак чалиняпти, ҳали таъзимдамиз-у, Бойсун — уйимиз, сингилларимнинг Камолга гулдаста тутганим ҳақидаги шўх-шан гаплари ҳам эсимга тушиб, ўша манзаралар кўз олдимдан ўтганича шундоқ ёнимизда Шукур ака Бурхоновни кўрдим.

Энди у киши залга таъзим қилмоқда: юзларида ёрқин табассум, бояги "йўлбарсликдан" асар ҳам қолмаган, камтарона ёлиблик ифодаси барқ урар эди.

Носир акам: "Хайрият, тўй-гаям айтмас бу бола, деб ўйлагандим", дедилар. У кишини "Гамлет" намойишига айтишни, рости, унутган эдим, хайрият, Камол Мамбет айтган экан...

Менгзиё тўй ҳақида эшитиб, мени кучиб табриклади. Сўнгра хизматга тайёр эканини билдирди.

Ва, дарҳақиқат, тўй, яъни базми куни Менгзиёдан кейин келган Элмурод ака билан Солижон ва курсдошларимдан Турсунбой билан Усмон акалар роса хизмат қилишибди.

"Қилишибди", дея ўтган замон феълда айтаётганимнинг боиси, биринчидан, мен дўстим Сали Содиқов билан ЗАГС идорасида бўлдик. Саидани уйғур дугонаси олиб келган экан.

Қизиғи шундаки, бизни... Ҳалима опанинг ўзлари ЗАГСлаб қўйдилар. Яна бир қизиқ ҳолат: "Ким кимнинг фамилиясига ўтади?", деган савол берилар экан, мен гангиб қолдим. Шунда Саида бошини кўтармасдан: "Ман бу кишининг фамилиясига ўтаман", деди. Ҳалима опам нима дедилар денг? "Раҳмат, қизим", дедилар.

Сўнгра Сали дўстим қоғоз халтада олиб келган шампанни очди, ичиб, шоколаддан газак қилдик.

Ниҳоят, оппоқ шойи қўйлак кийган Саида ҳам дугонаси етагида хонага кириб келди ва биз икковлон чароғон бўлиб турган ховлига тушдик. О, меҳмонлар тўпланиб, этакдаги уйнинг олдида қўйилган столлардан жой ола бошлаган экан. Кимдир чапак чалиб юборди-ю унга жўр бўла кетишди. Шунда эркак эмас — аёл, яъни курсдошим Назирахон чинқироқ ширали овозида "Тўйлар муборак"ни айтиб юборди. У факультетимиздаги репертуари кўшиқ ва рақсдан иборат бўлган хаваскорлар тўраганининг раҳбари эди. Қўшиқ ярмига етганда, етиб келган бешинчи курс студенти Маъмуржон деган кўкнлик йигит ашулани давом эттириб қетди.

(Давоми бор.)

ТАШҚИ СИЁСАТГА МУНОСАБАТ

Яқинда мутахассислар АҚШда 11 сентябрь воқеаларидан кейинги аҳолининг ҳолати ва кайфияти ҳақидаги муносабатларини ўрганди.

Америкада фуқароларнинг ташқи сиёсатга бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида мамлакат аҳолиси ўртасида сўровнома ўтказилди. 61 фоиз одам АҚШ ҳукумати хорижга инвестиция чиқариш борасида ҳаддан зиёд кўп маблағ сарфлайди, деса, аҳолининг 25 фоизи буни ўрта меъёردа ва 8 фоизи кам деб ҳисоблайди.

Хорижий мамлакатларга инвестиция ажратишни камайтиришга эса, 65 фоиз фуқаролар розилигини ва 32 фоиз фуқаро норозилигини билдирди. Давлат бюджетининг қанчаси инвестицияга сарфланиши ҳақида сўралганда, аҳолининг катта қисми бунга умумий маблағнинг 25 фоизи кетади, деган фикрни берди. «Қанча маблағ сарфланиши керак?», деган саволга кўпчилик бунинг учун бюджетнинг 15 фоизи етарли эканлигига ишора қилган. Аслида эса, АҚШ давлат бюджетидан атиги БИР фоизи четга сармоя сифатида сарфланади.



Бундан ташқари Ироқ воқеаларига боғлиқ сўровномалар ҳам ўтказилган. Уларнинг натижаларига кўра, аҳолининг катта қисми Ироқда оммавий қиргин қуроллари ёки уларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастурлар борлигига ишонар экан. Шу йилнинг март ойида «Уолл Стрит журнал» газетасидаги «Уруш бошланишидан аввал Ироқда оммавий қиргин қуроллари бўлганми?», деган саволга 60 фоиз газета ўқувчилари ўз тасдиғини билдирди. Атиги 8 фоиз аҳоли Ироқда ҳеч қандай хавфли қуроолар йўқ, деган бир пайтда, 31 фоиз одамлар мазкур турдаги қурооларни яратишга қаратилган, ammo ҳозир амалда бўлмаган дастурлар бор, деб ўйлайди.

Мамлакат аҳолисининг 45 фоизи Саддам Ҳусайн ва Ал-Қоидда ташкилоти ўртасида боғлиқлик бор, деса, 53 фоиз одам бунга қарши фикрда. Қолаверса, 2003 йилнинг июнь ойида 60 фоиз аҳоли Ироқдаги урушни маъқуллаган бўлса, айни кунда шунча одам бунга норози.

АРОФАТ ДАВОЛАНИШ УЧУН ЖЎНАБ КЕТДИ



Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат соғлиги кескин ёмонлашгани сабабли, мухториятни даволашни учун тарк этди. Фаластин етакчиси уч йилдан бери Ғазо секторини ташлаб кетмаган эди. Иорданиядан учиб келган икки вертолёт Арофатни Уммонга олиб кетди. У ердан махсус самолёт Францияга учди. 75 ёшли етакчи бир неча кундан буён ўзини ёмон ҳис қилмоқда. Фаластин раҳбарияти ва шифокорлар уч кеча-кундуздан бери мижжа қақишгани йўқ, деб хабар беради Би-Би-Си ахборот агентлигининг интернет сайти.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ

Италиянинг Рим шаҳрида Европа Иттифоқининг янги конституцияси муҳокамага қўйилди. Евро Иттифоқ раҳбарлари шартномани имзолаб, муносабатларнинг янги поғонасига қадам қўйишди. Бироқ, конституцияни тўлиқ қабул қилиш учун 25 Европа давлатида ратификация қилиниши керак. Фақат шундан сўнггина конституция кучга киради. Агарда янги ҳужжат қабул қилинадиган бўлса, келажакдаги қарорлар кўпчилик овоз билан маъқулланган бўлади. Ўта йирик лойиҳаларни мамлакатлар референдум орқали ҳал қилишади. Сиёсатчиларнинг айтишича, Қомус ҳали анчагина мунозараларга сабаб бўлади. Чунки Италия давлати ўзининг миллий аънаналари кучлиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай тазйиқ эса, салбий қабул қилинади. Умуман ўзига хос маданиятга эга бўлган мамлакатлар янги ҳужжатга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашмоқда. Бунга асосий сабаб баъзи мамлакатларнинг сиёсий устуворлиги ушбу конституцияда ўз аксини топмаслиги керак.



Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли ва Наргиза ИБРОҲИМОВА тайёрладилар.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «NEFTGAZTANLIL» MARKAZI МЧЖ тугатилмоқда.

Давволар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 67-84-88

Тошкент давлат юридик институти қошидаги Академик лицей томонидан 2004 йил 10 июлда Мажидова Хуршида Нурбобоевна номига берилган №008099 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТУЗАТИШ
Газетанинг 2004 йил 20 октябрь 85-сонига эълон қилинган А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМининг 2004 йилнинг ноябрь ойи учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси 3-қатори: Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун «Кутубхоначилик янги технологияси ва инновацион методларни амалиётга тадбиқ этиш» бўйича муаммоли тренинг ўтказиш мuddати 8-13 ноябрь деб ўқилсин.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти жамоаси Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси профессори Фуломжон Аҳмаджоновга сингласи **Холида РЎЗИЕВАНING** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети жамоаси «Функционал анализ» кафедраси доценти **Омонкул ХАИТОВNING** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма кўмитаси ҳамда ҳуқуқшунослик факультети жамоаси «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи» кафедраси доценти Б.Жонбоқиевга укаси **Абдумалик ЖОНБОҚИЕВNING** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими, касаба уюшмаси кўмитаси, 324-умумий ўрта таълим мактабининг кекса ўқитувчиси **Боровков Пётр АндреевичNING** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Энди ҳар куни эрталаб туриб, кеча кечкурун нима иш қилганингизни эслолмай қийналиб ўтирмайсиз. Шунчаки заҳира хотирангизга қарайсизу бари ёдингизга тушади, кўяди.

Ҳамма хотирасидан шикоят қилади. Буни ҳатто Ларошфуко ҳам ўз вақтида «Шуниси қизиқки, негадир ҳеч ким ақлсизлигидан нолимайди балки хотираси ёмонлигидан шикоят қилади» дея хайрат билан таъкидлаганди. Нега бундай экан? Миямиз ичидаги ҳамма нарса жойида. Фақат баъзан хотира панд беради-да.

Айтайлик, кеча дўстларингиз билан бир неча соат ўтирганин-

ёndoшишга қарор қилди. «Агар инсоннинг ҳаётини компьютернинг хотирасига ёзиб қўйилса, - деб ёзади жаноб Белл ўз лойиҳасига маблағ ундириш учун топширган қисқача тавсифномасида, - унинг ҳеч нарсани эслаб ўтиришига ҳожат қолмайди. Фақат керакли кун ва соат ёзилган файлни топиш лозим ва ўтган ҳаёт ҳақидаги барча маълумотлар кўз олдимизда намён бўлади. Инжиқ инсонни хотираси панд беришидан чўчишига ҳожат қолмайди. Бугунги куннинг техникавий имкониятлари ҳам инсон ҳаётини шундай кузатиш учун имкон яратади».

«ҲАЁТИМИЗ ИКИР-ЧИКИРЛАРИ» КОМПЬЮТЕРДА

гизни эслолмаётган бўлсангиз бунинг хайратланарли жойи йўқ. Ammo бугун турмуш ўртоғингиз билан меҳмонга боришингиз лозимлигини паққос унутсангиз — буниси чатоқ. Чунки ҳамкасблар билан ҳафта якунланганини нишонлаш учун яқин орадаги пивохонага кирасизу, у ёғини тасвирламасак ҳам бўлади.

Қисқаси, хотира керакли нарса. Афсуски, фақат кам ўрганганда. Миямизда нималар содир бўлади ўзи? Нима учун қандайдир аҳамиятсиз нарса хотирада маҳкам ўрнашиб олади-ю, муҳим воқеалар эса элас-элас ёдда қолади? Нима учун баъзан остана ҳатлаб уйга кирамизу, нега кирганимизни унутиб кўямиз? Буни тушуниш қийин.

Ammo, шуниси маълумки, турли вазиятларда инсон хотирасидан буткул ёки унинг бирор қисмидан ажралиб қолиши мумкин. Нима қилмоқ керак? Ҳалигача, тиббиёт хотирани яхшиловчи бирор-бир услубни ўйлаб тополганича йўқ. Қандай сабабларга кўралиги номаълум, ammo булар бари профессор Гордон Беллни жудаям қизиқтирарди. У узоқ ўйлагач, бу муаммога бошқа томондан

Эҳтимол кимгадир профессорнинг фикри ақлсизликдек туюлар. Ammo «Майкрософтга» эмас. Бу компания нафақат лойиҳага қизиқиб қолди, балки уни маблағ билан ҳам таъминлади. Шундай қилиб ҳозирги кунда Сан-Францискодаги Microsoft Media Presence лабораториясида Гордон Беллнинг «Ҳаётимнинг икир-чикирлари» номли лойиҳаси тайёрланмоқда. Бугунги кунда олимлар видеоёзувлар, суратлар, e-mail ва инсоннинг кун давомидаги барча ҳаракатларини қайд этиш ёрдамида маълумотлар базасини яратишга уринишмоқда. Компьютер диски инсон хотирасидан кўра ишончлироқ эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Дастурчилардаку, инчинун. Ammo, битта «lekin»i бор: компьютер жуда ишончли бўлсада, уни ишончсиз бош кabi доим елкада олиб юролмайсиз.

Бу лекинни бартараф этиш учун олимлар кийим ёқасига ўрнатилувчи митти кинокамерани таклиф этишмоқда. Махсус яратилган дастур ёрдамида у ҳужжатларни, журналларни ва инсон ташриф буюрувчи барча интернет сайтларини суратга олиши мумкин.

қилган бўлиб, у қондаги қанд ва пешобдаги оксил миқдорини автомат тарзда ёзиб олади ҳамда уларни компьютер хотирасига киритади. Тўғри, бунинг учун у доимо махсус датчикларни осиб юриши керак. Ammo фан ривожи йўлида нималарга рози бўлмайсан-а? Ҳар сафар муҳим телефон сўзлашувидан сўнг, компьютерга югуриб бормаслик ёки бутун маҳаллага эшиттирадиган даражада «бу уйдаги ручкалар қаерга йўқолган-а?» деб бақирмаслик учун тиниб-тинчимас хотира ихтироси телефон сўзлашувларини автомат тарзда таниб, архивлаштирувчи қурилма ҳам яратди.

Бу тизим ҳозирча мукамаллаштирилмаган ва компьютер хотирасида кўп жойини эгаллайди. Ammo ҳозирданоқ суғурта компаниялари, адвокатлар, полиция бошқармалари унга қизиқиб қолишди.

Яна беш йиллардан сўнг истаган одам эга бўлиши мумкин, деб ваъда беради «Майкрософт». Ана шунда баъзи бир аёллар турмуш ўртоғининг чўнтагини эмас, балки «Ҳаётининг икир-чикирлари»ни титкилашади.

Интернет манбалари асосида Шарифа МУРОДЖОН қизи тайёрлади.

ИНСОН ЭҲТИЁЖИ
— уни жиловлашга табиат ожиз —

Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) маърузасида таъкидланишича, инсоният табиий ресурсларни планетамизда маълум бир вақтда пайдо бўлаётганидан 20 фоиз кўпроқ истеъмол қилади. Яъни, табиий қуруқлик ва сувдаги табиат дунёси янгилашиб, ўз ўрнини тўлдиришга улгурмаяпти. Масалан, 1970 йилдан 2000 йилгача қуруқлик ва сувдаги табиий мавжудотларнинг турлари 30 фоизга, ўсимликлар дунёси 50 фоизга қисқарган! Бунинг бирламчи сабаби озик-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, энергия ва сувга нисбатан талабнинг мунтазам ортиб боришидир. Мутахассисларнинг фикрича, табиатга нисбатан антропоген таъсир кейинги қирқ йил ичида икки ярим баробар кўпайган. Ҳозирги вақтда Ер юзидаги ҳар бир одамнинг табиий ресурсларга доир талабларини қон-

дириши, меъёрида ҳаётий фаолият кўрсатиши учун 2,2 гектар майдон зарур бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич 1,8 гектарни ташкил этмоқда. Табиий бойликларнинг тарқалишини ҳисобга оладиган бўлсак, Шимолий Америкада бу кўрсаткич 9,5 Африка ва Осиё мамлакатларида ўртача 14 ва ниҳоят Европада 4,5 гектар майдонни ташкил этади. Шу қирқ йил давомида табиий ёқилғи энергияси—қазиб олинadиган кўмир, нефт, табиий газ сарфи 700 фоизга ортган. Табиий ресурсларни бундай чек-чегарасиз миқдорларда сарфлаш инсониятни кескин иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ глобал муаммоларга дучор қилиши мумкин.

Ойбек СУЛАЙМОНОВ тайёрлади.

Taqriz

Таниқли адабиётшунос Наим Каримовнинг «Чўлпон» номи китоби маърифий роман руҳи остида босилиб чиққан бўлиб /Т., «Шарқ» НМАК, 2003/, шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан илгари эълон қилинган асарларнинг барчасидан ўзининг кўплаб хусусиятлари билан ажралиб туради. Китобнинг биринчи навбатда кўзга ташланадиган ўзига хос томони шундаки, унда Чўлпон ҳаёти ва ижоди тўғрисида қарийб 80 йил давомида нашр этилган деярли ҳамма мақола-лару рисола-лардаги далиллар, маълумотлар, фикрлар, кузатишлар, қарашлар ҳамда хотиралар умумлаштирилиб, шоир босиб ўтган йўлнинг ниҳоятда кенг, муфассал манзараси чизилган. Чўлпон ҳаёти ва ижодининг имкон борича тўлиқ манзарасини гавдалантиришга интилар экан, муаллиф ўз олдида шоир тўғрисидаги сира бўялмаган, сохталаштирилмаган, ялтиратилмаган ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадини кўяди. Мана шу эзгу мақсад йўлида у Чўлпон ҳаёти ва ижодининг турли муаммолари юзасидан кўплаб адабиётшунослар билан мунозараларга киришади ҳамда бахсларда тугилган янгиликлар ҳисобига танқидчилигимизни, тасаввуримизни бойитишга ҳаракат қилади. Мазкур интилиш китобнинг дастлабки саҳифалариданоқ кўзга ташланади, чунки мунаққид илк мулоҳазаларидаёқ Чўлпоннинг тугилган йили юзасидан кўплаб танқидчи-

лиги, айниқса, Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат» ҳикояси таҳлилида яққол намоён бўлади. Чўлпоннинг бошқа асарларига нисбатан бу ҳикоясини муфассалроқ таҳлил қилиш орқали адабиётшунос унда қахрамонларнинг айрим хатти-ҳаракатлари ва руҳий ҳолатлари яхши асосланмаганлигини исботлашга муваффақ бўлади. Ўз навбатида асарнинг заиф томони исботлашни ҳикоя Чўлпон ижодидаги дастлабки изланишлар босқичининг самараси эканлиги ҳақида мантиқли хулоса чиқарилишига йўл очади. Фақат муаллиф бутун китоб давомида бадиий асарларни бу қадар муфассал таҳлил қилиш йўлидан бормади. Бунинг деярли иложи ҳам йўқ эди, чунки Чўлпоннинг энг яхши асарларини таҳлил қилиш йўлидан борилганда ҳам, ҳозиргидан уч-тўрт баравар катта ҳажмли китоб ёзишга тўғри келар эди. Шу сабабли мунаққид энг зарур ўринлардагина баъзи асарларни таҳлил қилиш билан чекланиб, асосий эътиборини Чўлпон ҳаёти ва ижодига оид далилу хотираларни муфассал ўрганишга ҳамда улардан асосий хулосалар чиқаришга қаратади. Муаллифнинг умумлашмалару хулосалар чиқариш маҳорати, айниқса, «Ҳамлет»нинг Чўлпон томонидан қилинган таржимаси таҳлилида ажойиб самаралар берган. Таҳлилда Н.Каримов асосий эътиборини «Ё ўлиш, ё қолиш...» монологага

қилиниши эриш туюлади. Китоб Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақидаги билимларимизни беихоҳ бойитиши сабабли унинг маърифий асар эканлиги асло шубҳа уйғотмайди. Фақат унинг роман жанрига мансуб деб эълон қилиниши китоб моҳиятига мос келмайдигандек туюлади. Назаримда, бу асарнинг романга айланиши учун энг зарур ҳисобланувчи унсур, яъни бадиий тўқима етишмайди. Роман жанри учун сув билан ҳаводек зарур бўлган тўқима воқеалару қахрамонлар тимсолини яратиш ўрнига Н.Каримов ўз китобини қай даражададир бадиийлаштириш мақсадида аҳён-аҳёнда образли ифодалар, тасвирий воситалар ишлатиб кўяди. Фикрларимизнинг далили сифатида китобдан мана бу парчани келтирамиз: «Агар инсоннинг руҳий олами ва инсоний қиёфаси аввало оила муҳитидан куртак чиқариб, секин-аста яшил барглари билан ўрalsa ва гулга кирса, унинг билим доираси мактабда кенгайди, хусусий мутолаа эса, мактабда терилган гулларнинг кўркам гулдастага айланишига имкон туғдиради» /26-бет/.

Парчада билим олишнинг куртак чиқаришга, гулга киришга ва гулдаста ҳосил бўлишига ўхшатилиши, ҳеч шубҳасиз, адабиётшуносни таъсирчан ташбеҳлар, истиоралар, сифатлашлар ҳамда бошқа тасвирий воситалар қўлашга ин-

новлар билан қиёсланиши ҳамда ундан чиқарилган хулосани эслаш мумкин. Болалик чоғларида Дима эчки ҳақидаги бир эртақдан жуда кўрқар экан. Биринчи синфда ўқийдиган акиси Володя бўри қиёфасига кириб, уни янада қаттиқроқ кўрқитибди. Сўнгра Дима эчки тўғрисидаги эртақдан чўчимайдиган бўлибди. Шу воқеани ҳикоя қилгандан кейин Н.Каримов ундан мана бу хулосани чиқаради: «Чўлпон болалик кунларида, Дмитрий Ульяновдан фарқи ўларок, эзгу ниятли кишилару маърифат булоқларидан сув ичиб юрган, худони, оқибатни ўйлаб иш қиладиган кишилардан ҳаёт сабоғини олди. Ва унинг юрагида тоза қон зарралари чарх ура бошлади» /26-бет/.

Бу сўзлардан мантиқий равишда: «Диманинг юрагида ифлос қон оқарди», — деган маъно келиб чиқади. Билмадим, турли миллатга ёки динга мансуб кишиларни ўзаро қарама-қарши, бирининг қонини тоза, иккинчисиникини ифлос дейиш орқали қандай маъно ифодалаш мумкин? Ўзгани камситиш ҳисобига Чўлпонни улуғлаш инсофданмикан? Ҳар ҳолда, Чўлпон бунга муҳтож бўлмас керак. Шундай экан, Дима билан

МАЪРИФИЙ РОМАНМИ Ё ТАДҚИҚОТ?

лар билан баҳсга киришиб, шоир 1897 йилда эмас, балки 1898 йилда дунёга келганлиги тўғрисидаги ўз қарашини исботлаш учун рад этиш қийин бўлган далилларни келтиради. Чунинчи, у танқидчи Овод Шарафиддиновнинг Чўлпон 1897 йилда тугилганлиги тўғрисидаги қарашини шубҳа остига олар экан, Абдулхамиднинг мучали сак эканлигини, Андижон зилзиласи юз берганда /1902 йил/ тўрт яшарлигини, биринчи мақоласи босилганда 16 ёшда /1914 йил/ бўлганлигини, бу далилларни шоирнинг синглиси Фойика ая тасдиқлаганини эслатади.

Муаллиф Чўлпоннинг болалик йиллари, таълим олиш чоғлари манзараларини чизганида ҳам худди шу йўлдан, яъни ҳар бир кузатишни, мулоҳазасини қандайдир аниқ манба, илмий мақола ёки хотира воситасида асослаш усулидан фойдаланади. Жумладан, у Чўлпон оиласининг шажарасини адабиётшунос Ҳ.Болтабоевнинг мақоласига таянган ҳолда тикласа, Абдулхамиднинг 11 ёшида немис, 14 ёшида француз тилларини ўрганганлигини унинг замондоши Лазиз Азиззода хотирасини эслатиш орқали асослайди.

Шу тариқа узоқ йиллик заҳматга тўла изланишлар натижасида мисқоллаб йиғилган сон-саноксиз далиллар воситасида Н.Каримов китобда Чўлпоннинг ҳаёт ва ижод йўли босқичма-босқич, йилма-йил, ҳатто қадам-бақадам ёритиб чиқилади. Китобда муаллиф фойдаланган манбалар шу қадар кўпки, уларнинг барчасини таҳлил қилиш у ёқда турсин, фақат санаб чиқишнинг ҳам иложи йўққа ўхшайди, чунки бунинг учун 463 бетлик тадқиқотни қайтадан кўчириб келтириш зарур бўлади. Зукколик билан танланиб китобга киритилган ва имкон борича таҳлилдан ўтказилган, ўзаро қиёсланган далиллару маълумотлар узвий бirlashib, мунаққидга Чўлпоннинг ҳозирча энг муфассал ҳамда тўлиқ илмий биографиясини яратиш бaxтини насиб этган.

Н.Каримов тадқиқотининг Чўлпон ҳақидаги бошқа асарлардан яна бир фарқи жиҳати шундаки, унда адабнинг ҳозирга қадар кўпчиликка номаълум бўлган бир қанча асари ҳақида янги далиллар келтирилади. Хусусан, адабиётшунос кўплаб ишончли манбаларга суянган ҳолда, Чўлпоннинг «Гуноҳ», «Темирчи», «Саркаш қиз», «Яна уйланаман», «Ёв», «Қоровул уйқуси», «Ўлдиргувчи», «Рамазон кўринишлари», «Тиниқ ойна», «Ҳижрат» каби пьесалари ҳам бўлганлиги, уларнинг мавзуси ёки қисқача мазмуни тўғрисида илк бор маълумот беради. Шуларга кўра Н.Каримовнинг китоби Чўлпон ижоди тўғрисидаги тасаввурларимизни ҳам кенгайтирувчи, бойитувчи асар даражасига кўтарилади.

Чўлпон тўғрисидаги ҳақиқатни тиклашда муаллиф далилу хотиралар билан бир қаторда адабиётшунослик тадқиқоти учун сув ва ҳаводек зарур ҳисобланувчи илмий таҳлилдан ҳам маълум даражада фойдаланади. Н.Каримовнинг бу соҳада катта тажриба ва маҳоратга эга экан-

қатар экан, унинг 30-йиллар ўрталаридаги Чўлпон руҳий оламига, мустабид тузумга нисбатан қалбидидаги исёнкорлик кайфиятига ниҳоятда яқинлиги юзасидан қуйидаги таъсирчан умумлашмани тақдим этади: «У монологи таржима қилар ва унинг қандай жаранглашини текшириб кўрар экан, унда шахсан ўзининг ҳам дарду ҳасратлари мужассам топганини кўрди. Бу сўзлардан ўзи куч олиб, исён оловининг бутун вужудига кириб бораётганини сезди... Зулм авжга минган, адолат қувилган даврга қарши исён Шекспир асарининг ич-ичига, бадиий қатламларига яширинган бўлиб, асар саҳнага чиқиб билан бу исённинг вулқон бўлиб отилмаслиги иложсиз эди. Чўлпон, эҳтимол, бу исён чўғини ўзининг ҳар бир сўзи, ҳар бир нафаси билан пуфлаб тургандир?!» /403-бет/.

Н.Каримов таржиманинг ғоявий-ижтимоий қийматини шу қадар образли ифодаларда очиб бериш билан чекланиб қолмасдан, Чўлпоннинг трагедияни ўзбекчалаштиришдаги санъаткорлиги ва унинг адабиёт тарихида тутган ўрни юзасидан ҳам ғоятда теран хулоса чиқаради. Мана ўша хулоса: «Чўлпон «Ҳамлет»нинг таржимаси билан замонавий миллий таржима мактабининг узил-кесил шакллангани ва ўзининг сўз сеҳргари даражасига эришганини тўла намоён этиди» /404-бет/.

Ҳамлет монологи таҳлили ёрдамида Н.Каримов Чўлпоннинг мустабид шўро тузумига муносабати тўғрисидаги мунозарали муаммонинг узил-кесил ечимини топгандек кўринади. Шу пайтга қадар адабиётшунослар орасида Чўлпоннинг ўша тузумга гоҳ хайрихоҳлиги, гоҳида у билан ноилоҳ муроғасга киришганлиги, баъзида эса, очикдан-очик душманлик йўлига ўтганлиги ҳақидаги фикрлар кенг тарқалган эди. Н.Каримов бу каби фикрларга қуйидаги тарзда аниқ жавоб қайтаради: «У ўз таржимаси билан «Ё ўлиш, ё қолиш...» деган ҳамлетона саволга лўнда жавоб берди» /404-бет/.

Бу сўзлардан Чўлпоннинг мустабид тузумга хизмат қилишдан кўра ўлимни афзал билганлиги тўғрисидаги хулоса ўз-ўзидан келиб чиқадики, уни сўз билан таърифламасдан, китобхоннинг мустақил равишда англаб олишига замин яратгани учун Н.Каримовнинг танқидчилик истеъдодига қойил қолмаслигининг иложи йўқ.

Шу каби хулосалару умумлашмаларнинг ғоятда кўплиги, уларнинг аксарияти далилу хотиралар воситасида асосланганлиги, сон-саноксиз янги қарашлару кузатишлар ўртага ташлангани, ҳақиқатни юзага чиқаришда мунозаралар, бадиий асарлар таҳлилдан ўринли фойдаланилгани — буларнинг ҳаммаси Н.Каримовнинг «Чўлпон» номи китоби соф адабиётшунослик тадқиқоти ва шоир ижодини ўрганиш соҳасининг муайян ютуғи эканлигидан далолат беради. Гарчанд, китоб соф адабиётшунослик тадқиқоти сифатида таассурот қолдиран экан, унинг «Маърифий роман» номи остида эълон

тилганлигидан дарак беради. Китобдаги фаслларнинг «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола» тарзида Чўлпон асарларининг номлари билан сарлавҳалангани ҳам танқидчининг образли ифодалардан унумли фойдаланганини кўрсатади. Фақат адабиёт тажрибасидан аёнки, ёлғиз тасвирий воситаларнинг ўзи билангина муайян тадқиқот бадиий асарга айланиб қолмайди. Бунинг устига худди бадиий ижод намуналаридаги каби танқидчилик асарларида ҳам тасвирий воситалар фикр ва хулосаларнинг жонли ифодаси учун зарурий унсур сифатида хизмат қилаверади. Демак, гоҳ-гоҳида бадиий тасвир воситаларининг учраб туриши оқибатида Н.Каримовнинг «Чўлпон» китоби маърифий романга айланиб қолиши амри маҳол кўринади. Адабиёт амалиётидан маълум бўлишича, маърифий роман яралмоғи учун унда муайян тарихий шахс ёки ҳодиса ҳақидаги билимлар билан бир қаторда китобхоннинг қалбини ларзага солувчи, ақл-идрокини забт этувчи тўқима қахрамонлару воқеалар ҳам бўлиши зарур ҳисобланади. Бунга иқдор бўлмоқ учун ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» номи чинакам маърифий романини эсга олиш ўринли кўринади. Асар бир вақтлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўтган йўллардан Хайриддин Султон ва бир гуруҳ зиёли дўстлари уюштирган сафар кундалиги шаклида ёзилган. Оддий кундаликдек туюлувчи сафарнома саҳифаларида тарихий далиллар билан саёҳат тафсилотлари ва таассуротлари ниҳоятда моҳирона уйғунлаштирилганки, улар биргаликда Бобурнинг деярли бутун ҳаёт йўлини, руҳий ҳолатини, шоир ва шох сифатидаги қиёфаси буюклигини, айниқса, ватангадоликдаги изтиробларини, ақл-заковатию инсоний улуғворлигини ўзаро боғлиқликда тасаввур қилиш имконини туғдирган.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларига кўра китобни адабиётшуносликдаги монография ёки нари борса, эссе жанри намуналарига яқин тадқиқот деб қараш ўринлироқ туюлади. Фақат соф адабиётшунослик тадқиқоти сифатида ҳам китоб ҳар жиҳатдан мукамал чиқмаганга ўхшайди. Бунга ундаги жиддий нуқсонлар монелик қилган. Ундай нуқсонларнинг дастлабкиси сифатида китобнинг теран гуманистик мазмунига раҳна солувчи ўринлар борлигини кўрсатиб ўтиш зарур бўлади. Умуман, китобда Чўлпон тўғрисидаги ҳақиқатни тиклаш мақсади қўйилгани, унинг буюк инсон ва беназар шоирлигини улуғловчи мазмун мужассамлантирилганлиги сабабли асар чуқур гуманистик руҳ билан суғорилган. Фақат баъзи ўринларда муаллиф Чўлпонни улуғлаш мақсадида шундай чекинишлардан, қиёслардан фойдаланганки, улар кутилган ниятдан кўра салбийроқ маънолар ифодасига хизмат қилган. Ушундай ўринлардан бири сифатида Чўлпоннинг Дмитрий Ульянов

Чўлпоннинг болалигини қиёслаш китобнинг теран гуманистик моҳиятига мос келмайди ва асарда буткул ортиқча бўлиб, фақат унинг шарҳдек пуфлаб семиртирилишига хизмат қилади. Шундай ортиқча тафсилотлар китобда талайгина бўлиб, уларнинг яна бир намунаси сифатида адабларнинг хотинлари ўртасидаги мунозара тасвирланган ўринларни эслатиб ўтиш мумкин. Мазкур тафсилотлар китобдан буткул тушириб қолдирилганда ҳам асарнинг мазмунига мутлақо зарар етмайди.

Бутун тадқиқот давомида деярли барча фикр-мулоҳазаларию хулосаларини қатъий далиллаб борган муаллиф айрим ўринларда ўз қарашларини ҳеч қандай исботсиз, биронта ҳам асоссиз баён қилиб юбораверади. Мана ўшундай қарашлардан бири: «Замондошларининг айтишларича, Умаржон Исмоиловнинг асари деб юрганимиз «Рустам»ни ҳам, Аброр Ҳидоятгова мансуб деб ҳисоблаганимиз «Аваз»ни ҳам, аслида, Чўлпон ёзган ва... улар номидан саҳнага чиқарган» /430-бет/.

«Рустам» ва «Аваз» драмаларини Чўлпон ёзгани шу тахлитда куруқ эълон қилинади, мазкур хулоса қайси манбага ёки хотирага таяниб чиқарилганлиги ҳақида маълумот берилмайди. Исботсиз айтилган фикр эса, шубҳали бўлиб қолаверади. Худди шунга кўра, яъни биронта ҳам далилга, манбага суянилмай айтилгани учун Н.Каримовнинг: «Чўлпон «Кеча ва кундуз» романидаги Зеби-Забона образида Турсунонинг машаққатли ва фожиали қисмати тасвирлаб, унинг хотирасини абадийлаштирди», деган фикри ҳам /327-бет/ тўлиқ ишонтириш кучи касб этмаган, чунки иккаласининг кўнғирокдек овози бўлганлиги ҳамда ғоятда яхши куйлаганлигидан ташқари Зеби билан Турсуно Саидазимованинг ҳаётлари, тақдирлари, характерларида муштараклик ёки яқин томонлар жуда камга ўхшайди.

Ниҳоят «Чўлпон» китобининг ҳар жиҳатдан мукамал чиқишига монелик қилган омиллардан яна бири сифатида тадқиқотнинг охирига яқинлашган сари муаллиф тили ғализлашиб, дағаллашиб борганлигини кўрсатиб ўтиш зарур бўлади. Китобнинг кўп саҳифаларида сўзларни заргардек танлаб ишлатган Наим Каримов тадқиқотини тезроқ тугатишга шошилган шекилли, асар охирида битта жумлада айнан бир хил тил унсурларини қайта-қайта такрорлашдек сакталикларга йўл қўяди.

Санаб ўтилган нуқсонлари бартараф этилса, Н.Каримовнинг «Чўлпон» номи китоби шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан илгари нашр этилган рисолаларнинг барчасига нисбатан кенгроқ ҳамда кўпроқ маълумот берувчи, онгимизни, фанимизни бойитувчи қимматли тадқиқот даражасига кўтарилади.

Тўртинчи Халқаро Турнир

Кураш Халқаро Ассоциацияси ташкил этилганига эндигина олти йил бўлганига қарамай ўзбек кураши дунё халқларининг сеvimли спорт турига айланб улгурди. Бу вақт ичида жуда кўпball мусобақалар ўтказилди.

1998 йил 6 сентябрь — Ўзбек миллий курашининг дунёга юз тутган куни саналади. Айнан шу куни Тошкентда Европа, Осиё ва Лотин Америкаси қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида Кураш Халқаро Ассоциацияси ташкил этилди. У курашни дунёда ривожлантирувчи халқаро спорт ташкилоти саналади.

Бугун Шахрисабзда ўтказилаётган Президент соврини учун Мир Темур хотирасига бағишланган 4 — халқаро турнир курашимизни дунё бўйлаб ривожланишида пойдевор бўлишига шубҳа йўқ. Шу сабабли 28 октябрь куни пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасида шу турнирга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда бир қатор халқаро экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Матбуот анжуманини Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов кириш сўзи билан очар экан, ўз сўзида шундай деди:

— Ушбу турнирга 1992 йилда

асос солинган бўлиб, биринчи бор Президентимиз соврини кўйилган эди. Ҳар 4 йилда ўтказиб келинаётган ушбу турнирнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундан унда иштирок этаётган давлатлар сонидан ҳам билса бўлади. Бу йилги турнирга дунёнинг 5 қитъасидан 40га яқин давлатлар ташриф буюрмоқдалар.

Турнир гиламига мутоқ вазн тоифасидаги полвонлар чиқадилар. Шундай нуфузли турнир доирасида юртимизда биринчи бор, ёшлар ўртасида 3-жаҳон биринчилиги мусобақаси ҳамда белбоғли кураш бўйича биринчи тарихий жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ёшлар ўртасидаги 1 ва 2-жаҳон биринчиликлари Россиянинг Тверь (2000-2001 й) шаҳри мезбонлик қилган эди. Бу турнирда ёш полвонлар куйидаги вазн тоифаларида ўзаро беллашмоқдалар: 60,66,73,81 ва мутоқ вазн тоифасида қизлар: 48,52,57 ва мутоқ вазнда.

Белбоғли кураш ҳам жаҳонга юз тутмоқда. Шу муносабат билан ўтказиладиган мусобақалар 81 кг.гача вазн тоифасида бўлиб ўтади. Шундан сўнг ташкилотчилар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Турнир ҳақида газетаимизнинг келгуси сонларида батафсилроқ танишасиз.

Шерзод АХМАТОВ

27 октябрь санасида Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионига ўттиз-ўттиз беш минг футбол мухлиси ташриф буюрди. Яқин орада ушбу стадионга бунча мухлис кирмаган ва мавсум давомида на «Пахтакор», на миллий терма жамоамиз бу майдонда мағлубиятга учрамаганди. Лекин шу куни «Пахтакор» Осиё чемпионлар лигаси ярим финал жавоб учрашувида Жанубий Кореянинг

бошларида майдонда ўн киши бўлиб қолган корейслар 0:0 ҳисоби сақланиб қолишига эришган эдилар. Тошкентдаги ўйинда энди «Пахтакор» футболчилари учрашувнинг иккинчи бўлимида рақибга қарши ўн киши бўлиб курашдилар ва ўйин тизгинини корейлик футболчилар ўзбекистонликларга бермай кўйдилар...

ЯНА ФИНАЛГА ЕТМАДИК

торз»

(Жанубий Корея) ва «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) жамоалари учрашувида 2:2 ҳисоби қайд этилди ва икки ўйин натижасига кўра «Ал-Иттиҳод» жамоаси финалга йўл олди. Шундай қилиб, бу йилги финалда ҳам Фарбий ва Шарқий Осиё жамоалари ўйнайдиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилги финалда Фарбий Осиё жамоасининг кўли баланд келган (икки ўйин натижасига кўра БААнинг «Ал-Айн» жамоаси Таиланднинг «Бек-Теро Сасана» жамоасидан устун келган) эди. Шерали МАХМАРАЙИМ ўғли

«Сеонгнам Илва Чунма» жамоасидан мағлубиятга учради. Севимли жамоамиз мухлислар кўз ўнгида 0:2 ҳисобида корейсларга ютқазди. Дастлабки ўйинда 0:0 ҳисоби қайд этилгач, кўпчилик «Пахтакор»нинг финалга чиқиш имконияти яхшиланганини таъкидлаганди. Бунга барчамизда ишонч ҳам бор эди. Лекин ишонч оқланмади...

Омад кучлилар тарафида бўлади, дейишади. Дастлабки учрашувнинг иккинчи бўлими

Яна бир гап. Марказий Осиё вакили бўлган «Пахтакор» ўтган йилги чемпионлар лигаси баҳсларида ҳам Фарбий Осиёдан бўлган бир қатор жамоаларни мағлуб этиб, охир-оқибат ярим финалда икки ўйин натижасига кўра Шарқий Осиё вакили — Таиланднинг «Бек-Теро Сасана» жамоасига имкониятни бой берганди. Бу йил ҳам Фарбий Осиё жамоалари мағлуб этилди. Яна ярим финалда Шарқий Осиё жамоаси рўбарў келди. Яна мағлубият. Бу билан жамоамизнинг

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) мана бир неча йилдирки, Ўзбекистонда ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда ва таълим, маданият, туризмни ривожлантириш соҳасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Куни кеча мазкур ташкилот яна бир Ҳайри иш ташаббускори ва ташкилотчиси бўлди. Тошкент шаҳридаги 117-мактабда спорт фестивалини ташкил қилди.

Авалло спорт фестивали ҳақида. Биз мактабга кириб борганимизда ҳамма ўқувчилар байрамона кайфиятда юрган эди. Уларнинг аксарият қисми (кейин билишимизга 6-9-синф ўқувчилари) қизил ва оқ футболкаларда саф тортган эдилар.

га япон кўнгиллиси Ёка Фуджиокани стол тенниси бўйича тренерликка берди. Ёка Фуджиока аввалига саккиз нафар ўқувчи билан ишлаган бўлса, айни кунларда элликка яқин ўқувчи уч гуруҳга бўлиниб, стол тенниси машғулотида қатнашмоқдалар. Машғулотлар ҳафтасига уч кун бўлади. Мактабимизда иккита эски теннис столи бор эди. Кейинчалик JICA бизларга тўртта теннис столини ракеткалар, шарлар, теннис сеткалари билан бирга берди. 2004 йил бошида эса, Испанияда ишлаб чиқарилган энг яхши теннис столидан 6 та совға қилди. Иккита эски теннис столини кўшни 20-мактабга тақдим қилдик.

лика босқичида 2-ўринни қўлга киритди.

Мактаб директори билан суҳбатимиз тугар-туғамас барчани мактаб ўйингоҳига чорловчи овоз янгради. Мактаб директори Мўмина .. ва JICA нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Кае Янагисава хонимнинг табрик сўзларидан сўнг мусобақалар бошланди. Ўқувчилар Япония мактабларида ўтказиладиган оммавий машқ гимнастикасини бажараётган пайтда, мактабга ташриф буюрган ёшу қари японлар ҳам уларга кўшилиб, машқларни бажаришди.

Шундан сўнг ўқувчилар ўртасида югуриш мусобақаси ўтказилди. 6—7-синф ўқувчилари 60 метрга, 8—9-синф ўқувчилари 100 метрга югуришди.

JICA НИНГ СПОРТ МУСОБАҚАСИ

Бу мактабда мана бир неча йилдирки, Япониядан ташриф буюрган кўнгилли (волонтер) Ёко Фуджиоко ўқувчиларга стол теннисдан сабоқ беради.

Мактаб директори Мўмина Сулаймоновадан куйидагиларни билиб олдик:

— Икки йил аввал мактабимизнинг Ҳайри иш тарбия фани ўқитувчиси Ҳамидулла Фуломхўжаев «Ишонч ниҳол клуби»ни тузган эди. Шундан сўнг бу клуб қошида бир қатор спорт тўғараклари фаолият кўрсата бошлади. Болаларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг спорт орқали соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида биз JICA ташкилотига хат билан мурожаат қилиб, улардан биз билан ҳамкорлик қилишга спорт тренераи сўрадик. JICA хатимизни эътиборсиз қолдирмади ва биз-

Бундан ташқари JICA яна мактабимизга 5 та баскетбол, 5 та волейбол тўпи, дарс тахтасини олиб келди, ўқувчиларимиз учун спорт кийимлари совға қилди. Буларнинг ҳаммаси ҳамкорликнинг меvasи ва мактаб учун катта ёрдам.

— **Яратилган шарт-шароитлар ва олиб борилаётган машғулотлар ўз самарасини бераптими? Ўқувчилар спорт мусобақаларида иштирок этиб, қандай натижаларни кўрсатяпти?**

— Ўқувчиларимиз туман ва шаҳар миқёсида бўлиб ўтадиган барча мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишяпти. Ўқувчимиз Жавлон Камолов ўтган йили бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг респуб-

Оқ ва қизил рангли қутиларга тўп отиш мусобақаси ҳам қизиқарли тарзда кечди. Жуфт бўлиб югуришдан сўнг, 6—7-синф ўқувчилари японча «ханеко» рақсига тушишди, 8—9-синф ўқувчилари рус ва чехларнинг миллий рақсини ижро этдилар.

Қизиқарли кенган мусобақалар якунида ўқувчилар тақдирландилар.

Шундай қилиб, JICA томонидан ташкиллаштирилган биринчи тадбир ниҳоясига етди.

Шу куни кечкурун журналистлардан иборат делегация Урганча учди.

Хоразмнинг Хива шаҳрида JICA олиб бораётган ишлар хусусида келгуси сонларимизда батафсил тўхталасиз.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КАТТА РИНГДАН ХУШХАБАР

Темур Иброҳимов америкалик Жон Робинсондан WBC Fecarbox чемпионлик камарини тортиб олганидан ғурурланиб юрганимизда яна бир хушхабардан қувондик. Бундан етти йил муқаддам профессионал рингдаги фаолиятини бошлаган ҳамюртимиз Руслан Чагаев бугун енгилмас боксчилардан ҳисобланиб, жаҳон рейтингда олтинчи ўринда бормоқда. Ўн тўртта жангдан ўн учтасини ўз фойдасига ҳал қилган, бир учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Рақибларини ўн бир марта нокаутга учратган. Ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, профессионал бокс билан шуғулланаётган Руслан Чагаев Росток (Германия) шаҳрида америкалик Вилли Вильямс билан куч синашди. Саккиз раундга мўлжалланган беллашувни Руслан Чагаев муддатидан олдин якунлади. Учинчи раундда унинг аниқ, кучли зарбаларига дош бера олмаган Вилли мағлубиятга учради. Учрашув рефериси америкалик боксчи бошқа қаршилик кўрсатолмаслигини билиб, беллашувни тўхтатди ва боксчимизнинг ғалабасини қайд этди.

ЯНА БИР ҚАДАМ ОЛДИНГА

Испанияда ўтаётган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз ўн учинчи тур учрашувларини ўтказди. Унда ҳамюртларимиз испаниялик шахматчиларни 2,5:1,5 ҳисобда мағлубиятга учратди. Жаҳон чемпиони Р.Қосимжонов рақибидан устун келди. С.Йўлдошев ва А.Барсовнинг натижалари терма жамоамизнинг яна бир қадам олдинга юришини таъминлади. Шахматчиларимиз навбатдаги турда Швеция жамоасига қарши дона суради.

Хотин-қизлар ўртасидаги навбатдаги тур баҳсларида жамоамиз беларуссияликларга имкониятни бор берди. Улар кейинги турда Эквадор терма жамоаси билан куч синашди.

Ойбек СУЛАЙМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Маркази 2004 йилнинг ноябрь ойида куйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

1. Мактабгача таълим муассасаси ВХТБ назоратчилари курси 1-13 ноябрь 12 кунлик
2. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси 2-27 ноябрь 26 кунлик
3. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси 2-27 ноябрь 26 кунлик
4. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари курси 1-13 ноябрь 12 кунлик

ЭСЛАТМАЛАР:

1. Тингловчилар марказининг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар Республикадаги таниқли олимплар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда этиб келишлари лозим.
3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

“Уйга боргим келмайди. Борсам, яна ўша уруш-жанжал. Ичиб келган дадамнинг сўкишлари. Опамнинг кўз ёшлари... Сижлиб кетаман. Қанийди, дарс тугамас...”

Ойгул, 15 ёш.

“Уйда мени ёлғизлик қийнайди. Ҳамма нарса бегонадай. Хотиним билан ажрашганман. Болаларим у билан бирга. Бунинг устига, тайинли ишим ҳам йўқ. Барибир, уйга қайтиш қийин. Кўча ҳаётига кўникиб қолдим”.

Рустам, 37 ёш.

“Мени ҳар куну бир муаммо ташвишга солади — уйга бориш. Дарслар соат 15 да тамом бўлади. ижарада тураман. Уй эгасининг кўзига камроқ кўринишга ҳаракат қиламан. Ҳали иш топганимча йўқ. Бир амаллаб кунни кеч қиламан-да (яхшиямки, кутубхоналар бор), кейин уйга бораман”.

Алижон, талаба

“Бизнинг оилада тартиб-интизомга алоҳида эътибор берилади. Қиз бола бўлганим учунми, мени

кўп тергашади: Қаерда эдинг? Бунча кеч қолдинг? Телефонда бунча кўп гаплашмасанг? Ёнингдаги йигит ким эди? Ва ҳоказо. Уринсиз танбехлар, бемаврид тергашлар шу даражага олиб келдики, уйга боришга оёғим тортмайди”.

Захро, 20 ёш.

Сизда ҳам бундай ҳолатлар бўлиб турадими? Умуман, қачон

УЙИНГИЗГА ШОШИБ ТУРИНГ!

уйингизга боришни хоҳламай қоласиз?

Юқоридаги мисоллар орқали шундай хулосага келдикки, уй инсон учун фақат бошпана вазифасини ўтамайди. Мехрибон, бағрикенг онадой ўзига тортаверади. Аммо, баъзан ўз уйингиз ҳам “ўғай” бўлиб қолар экан...

Уйга шошиб турган одамларга ҳавасим келади. Чунки улар — бахтли: кимдир кутяпти, со-

ғияпти. Асосийси эса, уйда тинчлик-хотиржамлик ҳужрон.

Уй ҳам битта дўстдай: пайти келса, дардларингга шерик бўлади, керак бўлса, оутади.

Илгарилари бировникида (ҳатто бобо-бувусиникида) бир кун ҳам туролмайдиганларни тушунмасдим: “Бошқа уй бўлса, нима қилибди, бир кун-минг кун эмаску, ахир?” Энди тушунгандайман,

улар ўз уйини ҳеч нарсага тенглаштира олмадилар, ҳеч ким уларга уйдаги яқинларичалик меҳр беролмайди...

Уйдаги етишмовчиликларни айтиб, “нола” қилаётганларни унча хуш кўрмайман. “Уйимда уним йўқ, буним йўқ”, деб нолиган билан иш битмаслиги аниқ. Соғиниб борадиган жойингиз—уйингиз тинчми, шунинг ўзи энг катта бойлик эмасми?

Turmush

Шароитни ҳамма ўзи яратади. Оёғингиз ҳаммиша уйингизга тортиб турса, яхши шароитни яратиш олиш ҳеч гап эмас. Энг муҳими, уйингиз ҳар доим Сизни ўзига чорлаб турсин.

Яқинда бир бола маҳалламиздаги кекса бобосидан йиғлаб итмос қилаётганини эшитиб қолдим: “Бобожон, аям билан дадамга айтинг, бошқа уришмасинлар. Уларни ўзингиз яраштириб қўйинг. Кўчада совқотиб кетдим. Уйга киргим келмаяпти...”

Боланинг аҳволини дарров тушундим. Унга ачиндим ҳам. Ишқилиб бобоси чорасини топган бўлсин...

Билдингизки, биз сўзларини келтириб ўтганлар уйга боришни истамаяпти. Аниқроғи уй уларни бағрига чорламаяпти. Демак, ҳолат бир хил. Сабаблари эса турлича. Айбдор ким?

Хулосани ўзингизга қолдирамизда, бир тилак билдирамиз: “Ҳар доим уйингизга шошиб туринг!”.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Xullas...

НИКОҲГА... ЎТ ЎЧИРИШ МАШИНАСИДА

Алексей ва Алина деган келин-куёвлар ўзларининг никоҳ маросимларини бир умр ёддан чиқаришмаса керак. Ички хизмат лейтенанти, ўт ўчириш бўлинмасида кутқарувчи бўлиб ишлайдиган Алексейнинг машиноси катта эмас, чет эл автомашинасида келинни олиб, никоҳ маросимига бориш фалон пул. Лентапента, букет, сўнгра ресторан... Бир дунё харажат.

Агар ички ишлар вазирлиги академияси ректори Владимир Росох бу таклифни бермаганида, куёв бўлмиш анча-мунча харажат қилишига тўғри келарди. Келиннинг уйи гўёки ёнғин ҳодисаси рўй берган ҳолатдай қилиб «безатилди». Сўнгра «куёвнавкарлар», яъни кутқарувчилар ўт ўчириш машинасида келинни кига куёв бошчилигида зудлик билан етиб келиши. Ичкарида эса, бахтдан энтикиб йиғлаётган келинча! У албатта, «сценарий»дан хабардор қилинган.

Шундай қилиб, куёв «олов» ичидан келинни кутқариб, ўт ўчириш машинасида ЗАГС идорасига йўл олди.

Тушунган одамнинг садагаси кетсанг, арзийди. Алинанинг ўрнида бошқа келинча бўлса, дод-фарёд кўтариб, роса дабдаба талаб қилиши мумкин эди.

БИТТА ЯРИМ ШАР БИЛАН

Гарвард университетидан иқтисод ва ҳуқуқ бўйича докторликни ҳимоя қилган 29 ёшдаги Жорж Осбига бош оғриғи азоб бера бошлади. Айниқса, ҳимоядан сўнг дард тез-тез хуруж қиладиган бўлди.

Одатдаги шифо усуллари наф бермагач, бемор ўз миясини жароҳлик йўли билан даволатишга қарор қилди. Машҳур нейрохирург Брувелл ва унинг шогирди Майкл Алби Осбининг миясини тахминий томографидан ўтказиб, даҳшатдан қотиб қолишди. Унинг чап ярим шарида мия раки ривожлана бошлаган кўринади. Беморнинг ўнг ярим шари эса, йўқ эди...

Бу ҳодиса ҳақидаги аниқ сабаблар ҳозирча маълум эмаслиги «Феномене паранормале» журналида шарҳлаб берилган. Хулоса шуки, Жорж битта ярим шар билан докторликка эришган, агар иккинчи шари ҳам бўлганида эҳтимол у шу ёшда академиклик поғонасига чиқармиди...

ana shunaqa gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
шаҳифалари.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга тошириш вақти — 21.00.
Тоширилди — 21.00.

Ko'ngil bitiklari

ХҲР

ЎЗБЕКИСТОН

Яшнавер, гуллайвер
Хур Ўзбекистон.
Озодлик барчага
Бергайдир имкон.

Хурлигинг муборак
Муқаддас Ватан.
Яшнавер, гуллайвер
Хур Ўзбекистон.

Мадҳингни баландга
Кўтаргум ҳар дам.
Хурликка эришган
Муқаддас ўлкам.

ЧИН ДЎСТ

Кўксидан асрайди
Сени азиз дўст.
Хиёнат нелигин
Билмайди чин дўст.

Дўстла ҳар нарсага
Бўлурсан қодир.
Мисли Алпомишдек
Кўркмас баҳодир.

Раъно БАҲРИДДИНОВА,
Жиззах туманидаги
16-мактаб ўқувчиси

«АЛПОМИШ» СКАНВОРДИ

Рўза ойи					Пойтахти Виндхук
	Ҳар доим				Исломиий ибодат
		Дарё, Россия Инсон азоси		Жавохир	
		Арабча белги Пайгамбар	Муҳтож	Эгик	
			Давлат, Африка		
			Қадам		
		...и камон	Ювош		
		Қанор	Медицина		
		Хун	Нома		
			Шаҳар, Аляска		
	Керамика				Очкич
Алоқа					Достон

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!

XI аср бошида Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асосида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган лотин имлосидаги смесий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор «Исроилов Дилмурод Зокирович»

МЧЖ «МУЗАННИВ-РАССОМ»

Тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари учун зарур бўлган геометрик шакл ва гипсли розеткалар, турли мева ва сабзавотлар шакли муляжи, хайкал ва унинг бўлаклари, рангли гранировка (матю)лари, расм ва чизмачилик дастгоҳлари (мольберт)ни тавсия этади.

Буюртма бўйича бюстлар тайёрлайди.

Тўлов шакли пул ўтказиш ёки нақд пул орқали амалга оширилади.

Манзил: Қушбеги мавзеси, 11-а.
Телефонлар: 50-32-72, 54-80-13, 108-86-74.

Ma'rifat

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Сатдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1129.
Тиражи 19844. 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табак.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Шарифа МАДРАХИМОВА.
Навбатчи:
Баҳтиёр ҲУБОВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

белгиси остида реклама материаллари берилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва смесий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбага йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.